

ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ

«Амир Темур ва инсон манфаатлари»
мавзуда ўтказилган халқаро илмий
конференция материаллари
(Тошкент, 1997 йил)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—1998

Муассислар:

**Халқаро Амир Темур хайрия жамгармаси,
Темурийлар тарихи Давлат музейи,
Тошкент Давлат юридик институти**

Таҳрир ҳайъати:

**академик Б.АҲМЕДОВ,
юридик фанлар доктори, проф. Ҳ.БОБОЕВ,
тарих фанлари номзоди Н.ҲАБИБУЛЛАЕВ**

СЎЗ БОШИ

Миллий мустақилликка эришганимиз туфайли бой ва кўхна тарихимиз, қадриятларимизни бутун мазмун-моҳияти билан ўрганиш имконига эга бўлдик. Истиқлол йилларида мозийда яшаб, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, салоҳиятли арбобларимизнинг бетакрор меросларидан баҳраманд бўла бошладик. Энг муҳими, тарихий ҳақиқатни билиш халқимиз маънавияти ва тафаккурини юксалтиришдек залворли ишга хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мустақил Ўзбекистонимизда қисқа бир вақт ичида бу соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишлар том маънода тарихий аҳамиятга моликдир.

Бундан икки йил муқаддам муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг саъй-ҳаракати билан Соҳибқирон Амир Темури ҳазратлари таваллудининг 660 йиллик юбилейи дунё миқёсида кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан Соҳибқирон ҳазратларининг улкан тарихий хизматларига адолат юзасидан ҳолисона баҳо берилиб, шукуҳли номини абадийлаштириш борасида ибратли маърифий ишлар амалга оширилди. Президентимиз фармони билан Халқаро Амир Темури хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ҳам ана шу хайрли ишлар жумласидандир. Жамғарма олдида қўйилган асосий вазифалардан бири Амир Темури ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ҳар томонлама ўрганиш, бу давр ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш, рисолалар ва китоблар чоп этиш, кенг халқ оммаси, айниқса, ишончли келажагимиз бўлган ёшлар ўртасида бой тарихимиз ва маданиятимизни тарғиб қилиш ҳисобланади. Бу муҳим вазифани амалга ошириш ниятида жамғарма «Амир Темури сабоқлари» умумий рукни остида ўн йилга мўлжалланган илмий тадқиқотлар режасини тузган. Режага кўра ҳар йили бир марта ўтказиладиган илмий анжуманнинг мавзуи Амир Темури ва Темурийлар даври тарихининг турли масалаларига бағишланади. 1997 йил Президентимиз томонидан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганлигидан кейин ўтган биринчи анжуман «Амир Темури ва инсон манфаатлари» мавзуида ўтказилди. Анжуманда шарқшунос, тарихчи, ҳуқуқшунос олимлар томони-

дан тақдим қилинган ўн бешга яқин маърузалар тинглан-ди. Диққатга сазоворлиси шундаки, ушбу анжуманда Афғонистон, Кувайт, Миср, Ҳиндистон каби мамлакатлардан ҳам олимлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Жамғарма раёсати ушбу маърузаларни тўплам шаклида нашр этишга қарор қилди.

Тўплам Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданияти билан қизиқувчи кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

Б.АҲМЕДОВ

(Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси
Бошқаруви раиси, академик)

АМИР ТЕМУР ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида алоҳида ўрин тутган. Муҳими шундаки, у халқнинг барча табақаларини — олий мансабдан тортиб уламою фузало, косибу савдогарни, сипоҳию раъиятни, қисқаси, аҳолининг барча тоифасини баробар кўрди ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқини қонун билан ҳимоя қилди.

Масалан, раъият (фуқаро)ни олиб кўрайлик. Раъиятни Амир Темур салтанатнинг тўрт устун (ислом, хазина, сипоҳ, раъият)дан бири деб ҳисоблади, чунки салтанатнинг қандай бўлиши, қудратли ёки заиф эканлиги, кўп жиҳатдан раъиятга, унинг турмуш даражаси ва салтанатга қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Давлатнинг қудратини ҳам, завоқ топишини ҳам кўп жиҳатдан раъият белгилайди. Шунинг учун ҳам уни маҳаллий ҳокимлар (кадхудо-лар, калонтарлар, доруғалар ва бошқалар) ҳамда солиқ ундирувчиларнинг зулмидан ҳимоя қилди, баъзида солиқ ва жарималар (хирож, моли жиҳот*, кўналға**, шилон пули*** ва ҳоказолар)дан озод қилди; асосий солиқ бўлмиш — хирожнинг миқдорини, уни йиғиш вақтини (кузда, ҳосил хирмон қилингандан кейин) белгилаб қўйди. Янги ер ўзлаштириб, қақраб ётган чўлларни обод қилган кишиларга катта имтиёзлар берди. Улар икки йил муддатга солиқ ва жарималар тўлашдан озод қилиндилар.

«Темур тузуклари»да ўқиймиз: «...хирожни экин-дан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб

* *Моли жиҳот* — нақд пул ёки маҳсулот билан тўланадиган фавқулодда солиқ.

** *Кўналға* — элчилар ва чопарларга ётоқ бериш, ўзи ва улови учун озиқ-овқат бериш мажбурияти.

*** *Шилон пули* — подшолар ва хонларнинг ҳар йили халқ учун уюштирадиган зиёфати учун халқдан йиғиладиган мажбурият.

йиғсинлар. Чунончи, доим, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раъиятга, бир ҳиссасини олий саркорлик (салтанат хазинаси) учун олсинлар... Агар олиқ-солиқ тўпловчини юборишга мажбур бўлинган тақдирда, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар. Калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни бандга олиб, занжир билан кишанламасинлар.

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ерини обод қилиб олсин...

Амалдорлар ва калонтарлар оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, (бундай пайтда) етказилган зарарни амалдорлар ва калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар».*

Амир Тему́р сипоҳий (аскар) манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Маълумки, давлат ва салтанат фаолиятида сипоҳнинг роли бениҳоя каттадир. Унинг салтанат ва эл-юртга садоқат билан хизмат қилиши кўп жиҳатдан лашкарнинг умумий аҳволи, туриш-турмуши ва таъминотининг қай даражада бўлишига ҳам боғлиқдир. Амир Тему́р буни тўғри англади ва сипоҳий учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиб берди: унга хизмати учун, жамиятда тутган ўрнига қараб маош тайин қилди, ўз вақтида ҳадя ва ўлжадан баҳраманд қилди ва ҳатто урушга жўнаб кетиш олдидан унга олтиетти ойлик маошини бир йўла бердирди, қартайиб қолганда эса нафақа билан таъминлади. «Ёши улуг, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азииз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб билган-

* Тему́р тузуқлари. Тошкент, 1991, 88—89-бетлар.

ларидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтқизсинлар», дейилади «Тузуқлар»да.

Эл-юрт ободонлиги ва фаровонлигини кўзлаб, хазинага йиғилган маблағни шаҳарлар ва қишлоқларни обод қилишга сарфланди: масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, шифохоналар қурдирди; пойтахт шаҳар атрофида ва бошқа ерларда боғ-роғлар, наҳрлар барпо қилдирди. Тўғри, чорбоғлар, биринчи навбатда подшо ва унга яқин кишиларнинг дам олиши учун қурилди. Лекин, чорбоғ ва наҳрлар, энг муҳими, шаҳар экологиясини яхшилади, аҳолини зарур мева-чева ва сабзавот билан таъминлади.

Амир Темур савдо-сотиқ ишларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди. Шу сабабдан шаҳар бозорларини қайтадан қурдирди. Чунки «бозор обод ва тўкин бўлса, халқ тўқ бўлади» деган экан донолар. Буни ҳазрат Соҳибқирон яхши биларди. 1404 йили Самарқандда бўлган Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бундай деб ёзган: «Самарқанд шаҳрида жуда кўп ва турли-туман товарлар сотилади. Уларни Хитойдан, Ҳиндистондан, Татариядан ва бошқа ерлардан, шунингдек, бой-бадавлат Самарқанд диёридан келтирадилар. Лекин шаҳарда уларни сотишга қулай бўлган махсус жойлар йўқ эди. Шунинг учун сеньор (Темурбек) шаҳарнинг у четидан бу четига қараб ўтказилган шоҳ кўча қуришни буюрди. Унинг ҳар икки тарафида дўконлар қурилсин, деди... Шоҳ кўчани кенг қилиб қурдилар. Кўчанинг икки четига махсус дўконлар бунёд этдилар. Ҳар бир дўкон олдига мармар тош билан қопланган супалар ўрнатдилар. Кўчанинг тепасини эса тим қилиб ёпдилар».* Шу билан бирга карвон йўлларини, хориждан келувчи савдогарларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун

* *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406). Эски испанчадан И.С. Мирокова таржимаси. Москва, 1990. С. 134.*

йўл устида махсус работлар (карвонсаройлар) бар-по эттирди, савдогарлар, саёҳатчилар ва элчиларни қўриқлаш учун махсус ҳарбий бўлинмалар ташкил қилди; маҳаллий ҳокимларнинг бу борадаги вазифаларини белгилади. Унинг махсус буйруғига биноан, агар бирон савдогар йўлда талон-тарож қилинган бўлса, уни ўша ернинг ҳокимидан икки баробар қилиб ундириб, жабр кўрганга берилган. Бундан ташқари, ҳоким вазифасига масъулиятсиз қарагани учун хазинага беш баробар жарима тўлашга мажбур этилган. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да ва бир неча бор Самарқандда, Амир Темур саройида бўлган архиепископ Иоаннинг эсдаликларида қимматли маълумотларни учратамиз.

Амир Темур эл-юрт тинчлигини деб ўғрилар, безорилар ва тиланчига қарши чоралар кўрган; ўғрилар қаерда бўлмасин тутиб олиниб, оғир жазога тортилганлар. Безорилар ҳам қонун асосида жазога тортилган; тиланчилар эса тутиб олиниб, тамғаланганлар ва бирон хизматга қўйилганлар. Бунга кўнмай ўз «касб-кори»ни давом эттирганлар эса сотиб юборилган ёки мамлакатдан чиқариб юборилганлар.

Б. УМУРЗОҚОВ

(Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири)

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз ўзи танлаган бош йўл — иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият соҳаларидаги туб ислохотлар йўлидан дадил қадамлар билан бормоқда. Бугун биз ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон қиёфасига назар ташлар эканмиз, маҳобатли қурилишлар, кўркам боғ-роғлар, ифорли хиёбонлар, нурли ва чароғон йўллар, кўрки ақлни лол қолдирувчи қасрлар, кечаю кундуз ҳаёт жўш уриб турган завод-

лар ва корхоналар кўз ўнгимиздан кино тасмасидек бирма-бир ўтади.

Бир нарсага чуқур иймон келтирасан киши: у истиқлолга шукроналик туйғусидир. Бу қурилишлар, тенгсиз бунёдкорлик ишлари ким учун ва нима учун? Биринчи навбатда, шу Ватан ва унда яшовчи одамлар учун, албатта. Келажакни янада ёрқинроқ тасаввур этмоқчи бўлсангиз, ақалли Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг бугунги жамолига бир назар ташланг... Назарингиз тушади-ю, истиқлол нашидасига тўйинган, ўз она юртини бугундан-да кўркамроқ кўришни истаган одамларнинг нечоғлик жўшиб-ёниб ишлаётганликлари дилингизга чексиз сурур, завқ-шавқ бағишлайди.

Бунинг учун Ватанни севмоқ керак. Унинг келажagini аниқ тасаввур этган инсонларгина шундай фидойилик намуналарини кўрсата олади. Шунда беихтиёр Президентимизнинг собитқадамлигига, унинг сўзи билан иши бирлигига, Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари даражасига етказишдаги азму қарорининг қатъийлигига яна бир қарра чуқур ишонч ҳосил қиласан.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасида шу йилнинг август ойида бўлиб ўтган ярим йиллик яқунларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президент Ислом Каримов: «Ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда қандай муайян натижаларга эришдик? Ишларга яқун ясар эканмиз, бу яқундан қандай хулосалар чиқаришимиз мумкин? Биринчи ва энг муҳим яқун: биз инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имкон яратмасдан, бу манфаатларни фаол бунёдкор куч сифатида эътироф этмасдан туриб янгиланиш ва тараққиёт йўлидан тўғри ва изчил ҳаракат қилолмаслигимизни яна бир бор англаб олдик», деб таъкидлаб ўтди.

Эътибор қилган бўлсангиз, бу ерда энг муҳим масалага урғу берилмоқда. Яъни инсон манфаатларини таъминлаш учун авваламбор зарур шароит яратиш, бу манфаатларни фаол яратувчи куч сифа-

тида эътироф этмоқ даркор. Шундагина биз кўзланган мақсад ва орзуларимизга тезроқ етамиз ва амалга оширамиз. Дарҳақиқат, Президент айтганларидек, инсон манфаатларини амалга ошириш учун кўзда тутилган чора-тадбирлар қай даражада тўла ва муваффақиятли бажарилаётганлиги гоят муҳимдир.

Ўтган ярим йилликда, биринчидан, шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оилалар, ҳар бир алоҳида кишининг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди ва амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун давлат бюджетидан 63,2 миллиард сўм, бюджетнинг умумий харажатларидан қарийб 45 фоизи сарфланди. Ана шу маблағ ҳисобидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш, давлат томонидан бериладиган ёрдмга муҳтож оилаларга ғамхўрликни кучайтириш имкони туғилди. Кам таъминланган оилаларнинг ўзига эса 10,1 миллиард сўмдан зиёдроқ нафақа берилди.

Келинг, бу масалага янада теранроқ ёндошайлик. Менга қолса, мустақиллик нашидаси билан кечган ҳар бир йилни инсон манфаатлари йили бўлди, деб айтган бўлардим. Бу йилларни инсонга, унинг турмуш фаровонлигини ошириш, одамларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида қилинган беқиёс ғамхўрлик йиллари бўлди, десак яна ҳам тўғрироқ бўлади. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармонлари эълон қилинди. Фармонларда халқнинг турмуш шароитини, моддий аҳолини юқори поғонага кўтариш, айниқса бозор муносабатлари даврида кам таъминланган оилалар, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 24 июнда «Болаликдан ногиронлар, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тар-

тиби тўғрисида» махсус қарор қабул қилиб, ўша йилнинг 1 сентябридан бошлаб 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлашнинг ягона тизими жорий этилди. Муҳтож кишиларга давлат томонидан берилаётган ёрдамнинг манзилли — адресли бўлишини таъминлаш мақсадида (Президентнинг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги фармони асосида), бундай нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқлари бевосита ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла қўмиталари ихтиёрига берилди.

1996 йил 10 декабрда Президентнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармон болали оилаларга берилаётган ижтимоий ёрдам тизимини кучайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги чора-тадбирларни тезроқ рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда бу ҳужжат ана шу соҳага мутасадди бўлган маҳалла қўмиталарининг масъулиятини янада оширди.

Агар 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб нафақаларнинг энг кам миқдори 1125 сўми, ўртача миқдори 1400 ва энг юқори миқдори 3150 сўми ташкил этган бўлса, 1997 йил 1 июндан эътиборан, Президент фармонида биноан, пенсиянинг энг кам миқдори 1400 сўм, ўртача миқдори 2013 сўм 90 тийин ва энг юқори миқдори 3937 сўм 50 тийиндан иборат этиб белгиланди.

Вазирлигимизда Президентнинг 1991 йил 27 мартдаги «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 145-сонли қарори асосида ёлғиз кишиларни (пенсионерларни) ижтимоий муҳофазалашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда ана шу ҳаётий ҳужжатларга кўра, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 16 минг 285 нафар ёлғиз нафақахўрлар тегишли имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Умуман, ҳозирги

пайтда 106 турдаги имтиёзлар мавжуд бўлиб, улардан бир миллиондан кўпроқ киши моддий манфаатдор бўлмоқда. Улар орасида уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил атом электрстанцияси ҳалокатини тугатишнинг қатнашчилари, ногиронлар ва ёлғизлар кўпчиликини ташкил этади. Инсонга меҳр-мурувват кучайган, шахс манфаатлари олий мақом касб этган бугунги кунда Республикамизда яшовчи 21 мингдан ортиқ ҳеч кими йўқ — бировнинг қарамоғига муҳтож кишиларга 3 минг нафар ижтимоий хизмат ходимлари беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

Мамлакатимизда бир қатор қонунлар, жумладан, вазирлигимиз саъй-ҳаракатлари ва бевосита иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида», «Фахрийлар тўғрисида»ги қонунлари борки, уларнинг маъно-мазмуни фуқароларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишни, қариганда, касал ёки ногирон бўлиб қолганда давлат томонидан моддий ва маънавий ҳимоялашни кўзда тутди.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги қатор вазирликлар, идора ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «1996—2000 йиллар даврида ногиронларни реабилитация қилишнинг давлат дастури» ишлаб чиқилди. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисига қарийб 200 га яқин тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари хизмат кўрсатмоқда. Ногиронлар ва уларнинг талаб ва эҳтиёжларини назарда тутиб «Майра», «Алтромарк», «Ҳилол» каби хорижий фирмалар билан шартномалар асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги икки йил давомида қарийб 28 минг 105 киши турли санаторий, шифохона ва дам олиш уйларида ўз соғлиқларини тиклаб олишди. Шундай мақсадлар учун 97 миллион 523,5 минг сўм маблағ сарфланди. Инсон манфаатлари йилида унинг салмоғи янада ортиши кутилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида бундай мақсадлар учун 65 мил-

лион сўм харажат қилинди. Вазирлигимиз тизимида 33 та саховат ва мурувват уйлари бўлиб, уларда қарийб тўққиз минг нафар қария ва ногиронлар тўла давлат таъминотига олинган.

Инсон манфаатлари йилида Ўзбекистонда турли тоифадаги нафақахўрлар сони 2,5 миллион кишидан ошиб кетди. Уларга ўрта ҳисобда, масалан, шу йилнинг сентябрида тўланган маблағ 4 миллиард 785 миллион 700 минг сўмни ташкил этди.

Инсон манфаатлари фақатгина моддий фаровонлик билан ўлчанмайди, дастурхон тўкин-сочинлиги тараққиётни белгиламайди. Инсон манфаати жамият манфаати билан узвий боғлиқдир. Шу ўринда Президентимизнинг шу йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида айтган мана бу гаплари эътиборга моликдир: «Сир эмас, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир».

Инсон манфаатларини ҳимоялаш умумхалқ ишидир. Ҳар бир инсон ўз фаолиятини шунга мослаштириши ва жадаллаштириши лозим.

Р.АЛИМОВА

(Тарих фанлари номзоди, ТошДШИ доценти)

АМИР ТЕМУР ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ҳозирги даврда, мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкураси яратилаётган бир даврда ўзлигимизни билишимиз учун ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганишимиз зарур. Шу муносабат билан бугунги анжуман мавзусининг «Амир Темур ва инсон манфаатлари» деб номланишида алоҳида бир маъно бор.

Бизнинг «Амир Темур ва маънавий қадриятлар» деган мавзуга мурожаат қилишимиз бежиз эмас.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Маънавият бойиб борса, жамият янада раванак топиб, ривожланиб, жаҳонга танила боради ва, аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади. Мустақиллик йилларида маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгарди, уни қайтадан тиклаб, такомиллаштириб боришга катта эътибор берилмоқда.

Биламизки, Амир Темур давлат ва қонунчиликнинг мамлакат тараққиётида тутган ўрнига алоҳида эътибор берган эди. Амир Темур туркий халқларни марказлашган давлат теварагига бирлаштирди ва миллат қудратини юксалтирди. У маънавий баркамол давлатчилик тизими билан давлатчилик тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Президент И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири — бу халқимизнинг маънавий меросини ўрганишни кучайтиришдан иборат эканлигини айтди. Маълумки, ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий негизини янгитдан яратмайди, балки ота-боболар томонидан яратилган маданий бойликларни ўзига қабул қилади ва уни ривожлантиради. Муҳтарам Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократик, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир». Буюк Соҳибқироннинг васиятлари ва ўғитлари истиқлол шарофати билан бугун амалга ошмоқда. Ҳозирги кунда қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон аҳли тан олмоқда.

Келажакка комил ишонч билан қадам ташлаётган мамлакатимиз чет эл давлатларини ўзига ром қилмоқда. Хорижий давлатлар бизнинг мамлакатимизга ишонч кўзи билан қарамоқда, биз билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишга интилоқда.

Амир Темурнинг «Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баробар фойдалироқдир» деган ибратли сўзлари, бугунги кун учун ҳам жуда муҳим ва зарурдир. Жаҳон миқёсидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, қурол ишлатмаслик, ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик бунга яққол мисолдир.

Амир Темур ўзи забт этган мамлакатларда ҳам инсонпарварлик уруғини сочди. Уларнинг маданияти ва маънавий меросини ҳурмат қилди, обрў-эътиборли кишиларини азиз тутди, уламолар, илм соҳибларига ҳурмат билдирди. Амир Темур «қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларни азиз тутдим: саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол* вазифалар бериб, маошларини белгиладим: ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлар ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим» деганда ҳақ эди.

Амир Темур ўз сиёсатида инсонпарварлик, адолат билан иш кўрди, инсонларга яхшилик қилди, уларнинг фаровонлиги йўлида эзгу ишларни амалга оширди, уларнинг маданиятини юксак мақомга кўтарди. Бу борада Соҳибқироннинг «Тузуқлар»и гувоҳлик беради. Унда ўқиймиз: «Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим. Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини баланд тутдим ва унга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим. Ҳар бир шаҳарда

* Суюрғол — мулк тури.

масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим. Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни татиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим».

Амир Темур жамиятнинг ҳар бир аъзосига меҳрмурувват кўрсатган, уларнинг аҳволидан бохабар бўлиб турган. «Раъият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим», деган эди у.

Амир Темур ҳунармандлар, деҳқонлар ва мамлакат ободончилиги йўлида меҳнат қилган кишиларга нисбатан ҳурмат билан қараган. Жумладан, саҳроларни обод қилган, ариқ қазиган, чўлларга сув чиқарган, боғ яратганларга алоҳида эътибор қилган. «Тузуқлар»да ўқиймиз: «Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин».

Манбаларда ҳазрат Соҳибқирон мамлакат равнақи, раъият фаровонлиги йўлида кўп кўрсатмалар берганлиги, халқ соғлиғини сақлаш мақсадида шифохоналар қурдирганлиги ҳақида ҳам кўп бор таъкидланади. Амир Темур «Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат ва дор ул-адолат қурсинлар. Раъияту зироатни кўриқловчи курчилар (ҳам) тайинлансинлар», деб маҳаллий ҳокимларга кўрсатмалар берган.

Ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгаларини қадрлаши, уларнинг камол то-

пиши учун етарли шарт-шароитлар таъминлаб бериши ва уларнинг меҳнатини тақдирлаш билан белгиланади. Тараққий этган маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, улар миллатнинг юзи, кўрки, ғурури ва келажаги деб қаралади.

Шўролар тизими даврида истеъдод эгаларига ўзларининг қобилият ва лаёқатларини тўла намойиш қилиш учун имконият берилмаган. Мазкур тизим йирик истеъдод эгаларининг пайдо бўлиши халқнинг миллий руҳи ва ғурурини уйғотиб юбориши мумкинлигидан кўрққан.

Истиқлол нашидаси Ўзбекистон узра янграй бошлагач, истеъдод эгалари аниқланиб, уларга кенг имкониятлар яратила бошланди. Илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг қобилиятини аниқлаш борасида Ўзбекистон Президентининг бир қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Президент фармони билан «Умид» жамғармаси ташкил қилиниб, мамлакатимизнинг истеъдодли ёшларини аниқлаб, чет элларда таҳсил олиш учун юборилмоқда. Эндиликда ҳар бир истеъдод эгасига ўз имкониятларини кўрсатиш учун шароит яратиб берилди. Уларнинг ўқиш ўрганиши учун институтларда лингафон, компьютер синфлари, видео заллар ва бошқа шарт-шароитлар яратиб берилган. Олий ўқув юртларида талаба ёшлар орасидан илмга чанқоқ, зукко, қобилиятли ва уқувли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Навоий, Президентлик ва бошқа стипендиялар жорий қилинди.

Истеъдодли ёшларни камол топтириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимиз жамиятимизнинг маънавият даражасини бойитиш, уни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлардир.

К.НОРМАТОВ

(Тарих фанлари доктори, профессор)

БУЮК ИНСОНГА ХАЛҚ ЭҲТИРОМИ

(«Тузуқлар» ҳақида баъзи қайдлар)

Миллий мустақиллик Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларида покланиш, янгилашиш, маънавий меросни қадрлаш, энг муҳими, тиклаш имкониятини берди. Жумладан, улкан тарихий сиймоларимиз, уларнинг ичида ёрқин юлдуз Соҳибқирон Амир Темурга муносабат тубдан ўзгаргани ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.

Табаррук ва даҳо инсон — Соҳибқирон Амир Темур Ўзбекистон давлатини бунёд қилаётган халқимиз, зиёлию маданият арбобларимиз, умуман, аҳли Турон учун намуна ва йўлчи юлдуз бўлаоладими? «Ҳа, буюк Амир Темур ёшлар учун, халқимиз учун ажойиб намуна чироғи бўлаолишини таъкидламоқчи эдим... Истиқлолимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда», деб мамлакатимиз халқи ҳаётида Амир Темурнинг ўрни ва роли бениҳоя муҳим тажриба намунаси эканлигини академик И.А. Каримов Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейининг очилишига бағишланган нутқида қайд қилган эди.

Ҳазрат Соҳибқирон маънавий меросининг ёшларимиз учун энг ибратлиси унинг «Тузуқлари»дир. Бу қомусий асарда давлатчилик, уни бошқаришнинг сир-асрорлари, саркардалик, инсонийликнинг олий намунаси — ислом динига ҳомийлик, илм-фанга равнақ бериш, юртни ободонлаштириш, Буюк Ипак йўлини тиклаш ва савдо-сотиққа ривож бериш, энг муҳими, оддий халқ (раъият) аҳволдан бохабар бўлиб туриш ва унга ёрдам бериш масаласи ўртага қўйилган ва бу ҳақда маҳаллий ҳукмдорларга кўрсатмалар берилган.

Шу ўринда тоталитар тузум даврида жуда кўп ўрганилган ва ёшлар учун мажбурий ҳисобланган

«Коммунистик партия манифести» эсимга тушди. Бу рисолада юпун ва ҳеч вақоси бўлмаган «пролетар» ва «пролетариат диктатураси»га шунчалик таъриф-тавсиф берилганки, кўз олдинга келтириб, ачиниб кетасан, киши. Ахир, йўқсуллар билан буюк давлат, империяни барпо қилишнинг аҳволи нима кечди? Тенгсизликни — бойни камбағал, камбағални (ўша асар тилида. — *К.Н.*) бой қилиш каби оддий халққа ёт, номақбул гоё бор эдики, буни 74 йиллик собиқ шўролар даври «яхшигина» бошидан кечирди!

Ҳозирги пайтда, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган, демократик ҳуқуқий жамиятни барпо қилаётган, мулк ва мулкчилик фаолияти, яъни мулкдорлар синфини вужудга келтираётган бир даврда Амир Темурнинг «Тузуқлари» ҳаммамиз учун дастуриламал бўлиб қолмоқда. Чунончи, ҳазрат Амир Темур тузган давлат ёшларимизга мутлақо гоёвий намуна сифатида бўлиб, унда бутун халққа, яъни барча ижтимоий табақаларга суянилган, ярим пролетариат каби табақалаш бўлмаган. Темур давлати қонун асосида бошқариладиган янги мамлакат эди. «Тузуқлар»да айтилади: «Салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук (қонун-қоида) асосида мустаҳкамладим. Салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай ишни тузукка биноан қилдим».*

Илму фани, маънавиятию маърифати, дини ва эътиқод ривожланмаган мамлакат жаҳонда обрў-эътибор қозонолмаслиги, йирик мустақил давлатга айланаолмаслигини чуқур ҳис қилган Амир Темур ўзи забт этган юртларда ҳам адолат ўрнатган ва айни бир пайтда Самарқандга кўплаб илм-фан намоёндаларини, меъморларни, санъаткорларни йиғиб олиб келган ва катта маънавий-маърифий ишларни олиб борган. Натижада мамлакатда инқилобий ўзгаришлар бўлди: зироатчилик ривожланди; Туркистон (Ясси), Сайрам, Тошкент, Зангиота, Шоҳрухия, Хўжанд, Термиз, Қарши (Насаф), Бухоро, Хива, Ҳирот, Бағдод (Ироқ) ва Байлақон (Озарбайжон)да

* Тузуқлар. Тошкент, 1992, 6-бет.

шаҳарлар, маданий ва савдо-сотиқ иншоотлари бунёд этилди; Буюк Ипак йўлининг ҳар 30 чақирим масофасида сардобалар, карвонсаройлар қурилди, кўприклар солинди. Самарқанд шаҳри муҳим иқтисодий-сиёсий ва савдо марказига айлантирилди. Буларнинг ҳар бири инсон учун, инсон манфаатлари учун бунёд этилди. Кўплаб янги қурилган масжиду мадрасалар, сардобалар, работлар, ҳаммомлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Булар ҳам инсон манфаатини кўзлаб қурилди. Булар ҳақида Шомий ва Яздийларнинг «Зафарнома»сида ва «Тузуқлар»да қимматли маълумотлар топамиз. Амир Темур ва унинг комил фарзандлари даврида бунёд этилган мақбаралар, масжиду мадрасалар, қаср ва саройлар узоқ тарихимизни, маънавий меросимизни янада бойитади, миллий давлатчиликнинг мустақил жиҳатларини мустаҳкамлайди, миллат ва она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни жўштириб юборади. Президент И.А. Каримов ҳақли равишда айтганларидек, «Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демақдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демақдир. Амир Темурни улуглаш тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демақдир».*

Тарих — ҳақиқат мезони, жарчиси. У алдай олмайди, алданмайди ҳам. Тарихий жараёнларни ёшларимиз, бутун мамлакат аҳли янги онг ҳисси билан қабул қилмоқда. Амир Темур ҳам ҳақли равишда ота юрти Шаҳрисабзда қурдирган Оқсарой пештоқиға «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг», деб ёздириб қўйган эди. Бу буюк саркардалик, ўз куч-қудрати, мустақиллигига ишонч, қатъият рамзи эди. Демак, Туронзамин ёшлари, аҳли омма учун ибратли иборалар бу! «Тузуқлар»да ўқиймиз: «Дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмагай, тилимиз унутил-

* Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т. 1996, 46-бет.

магай. Эътиқод сусайса, тил эмас, иймон ҳам унутилгай... Ҳақиқат — сихат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат демақдир. Куч — адолатдадир». Йўлбошчимиз ёшларнинг янадан баркамол ва соғлом, жисмонан бақувват, маънавияти етук бўлишига алоҳида аҳамият беради. Бу борада бобомиз Амир Темурнинг олиб борган маънавий-маърифий ишлари ибратлидир. Чунончи, Соҳибқирон оила, никоҳ, миллат тозалиги ва софлигига катта эътибор берган. Чунки мамлакатнинг истиқболи, келажаги ҳам ёшлар, соғлом инсонлар қўлида бўлиши табиий ҳолдир. Миллат, қавму қариндош, уруғнаслнинг тозалиги инсоний хислатлар — онгнинг шаклланиши, ўз Ватанига садоқат, миллатпарварлик, тенглик, дўсту ҳамкорликни барпо қилишга боғлиқ.

Италиялик солномачи Белтрамус де Мигнаниянинг «Темур ҳаёти» (1416 йил) китобида (у Боязид Йилдирим урушида қатнашган. — *К.Н.*) «Амир Темур одамлари жуда ҳам кўркам, бақувват одамлар эди. Улар насл-насабига кўра ҳам улуғвор кўринарди. Улар олий хусусиятли, фаросатли, машхур, ёшига қараб, мансабдор бўлган. Жанг қилиш тажрибаси юқори бўлган кишилар эди». (Ўша китоб, 212-бет.)

Амир Темур авлодларнинг соғлом бўлиши учун барча чора-тадбирларни қўллаган. Насл-насабга зарар келтирадиган нарсалардан сақланишни буюрган. Соҳибқирон гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши чиққан. Бундай иллат ҳозирги кунда ҳам жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Буни эса Амир Темур ўз вақтида тушуниб етиб шундай ўғит беради: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай деб покиза йўлни тутдим».

Миллий давлатимизга ёш, соғлом, бақувват шахслар зарурлигини бобокалонимиз Амир Темур чин дилдан васият қилганликларини ва айни бир

пайтда илм-фан сирларини эгаллаш, касб-хунарли бўлиш зарурлигини қулоқ-миямизга қуйиб олишимиз шарт ва зарур. Истиқболли давлатимиз пойдеворини соғлом одамлар яратади, уларга ишонч ва эътиқод билдирилади.

Инсоният янги — XXI аср бўсағасида Соҳибқирон маънавияти ва шижоати, адолатли сиёсати юксак ибрат ва бой тажриба намунаси бўлиб келаётганлигига тўлиқ гувоҳимиз.

У.УВАТОВ

(Филология фанлари номзоди)

АРАБ ОЛИМИНИНГ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲАҚИДАГИ ЙИРИК ТАДҚИҚОТИ

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб бутун дунё олимлари томонидан кўплаб илмий ва бадиий асарлар, рисола ва мақолалар яратилган. Уларда Амир Темур ва Темурийлар даври сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли қирралари, шунингдек, Соҳибқироннинг шахси ва фаолияти баъзан илмий, баъзан эса оммабоп тарзда баён қилинади. Фарбу Шарқ олимларининг қатор тадқиқотларидаги кўплаб воқеалар замондош муаллифлар томонидан яратилган асарларга таяниб ёзилгани боис ҳам Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Араб олими Мазҳар Шиҳобнинг «Темур (унинг даври, ҳаёти ва фаолияти)» номли йирик асари мана шундай тадқиқотлардан бири, десак муболаға бўлмас. 1981 йилда Байрут (Ливан)даги ал-Қуддис Юсуф университети томонидан дарслик сифатида нашр этилган бу йирик тадқиқотни муаллиф халқаро даражадаги фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим қилган. Оммавий равишда ҳозирча чоп этилмаган бу муҳим тадқиқот ҳақида, гарчанд бизга аввалдан маълум бўлса-да, лекин яқинда мазкур

асарнинг фотонусхасини олишга муваффақ бўлдик ва муҳтарам ўқувчиларимизни Амир Темур ҳақидаги шу муҳим тадқиқотнинг қисқача мазмуни-мундари-жаси билан таништиришни лозим топдик.

Асар билан дастлабки танишишдаёқ араб олими Мазҳар Шихоб мазкур тадқиқотни яратишда катта ишни амалга оширгани кўзга ташланади. Чунончи, беш юз саҳифадан ортиқ мазкур асар, том маънода, фундаментал тадқиқотлардан биридир.

Фикримизга далил сифатида, бир томондан, тадқиқотнинг фактик маълумотларга бойлиги ва ранг-баранглигини, иккинчи томондан, муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир деярли барча масалалар бўйича, ўша давр тарихнависларининг ёзганларига асосланиб, фикр юритганини кўрсатиш мумкин. Тадқиқот мазмун-моҳиятини ташкил этган масалаларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг чуқур илмий асосда таҳлил этилиб, хулосалар қилиниши — булар ҳаммаси араб, форс ва турк тилларида ўша давр тарихчилари томонидан ёзилган кўплаб бирламчи ёзма манбалар ва ҳозирги замон Фарб ва Шарқ олимларининг қатор илмий тадқиқотларини ҳар томонлама ўрганиш самараси асосида ёзилганлиги унинг қимматини янада оширади. Айни пайтда шуни ҳам эслатиш лозимки, Мазҳар Шихоб ўз тадқиқотида фойдаланган араб ва турк тилларидаги қатор тарихий асарлар биринчи маротаба илмий таомилга киритилганки, шубҳасиз, бу ҳам мазкур тадқиқот алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ушбу тадқиқот таркибий жиҳатдан муқаддима, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ бўлган муҳим саналар ва воқеалар тартиби, шунингдек, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид жуғрофий хариталар ва хилма-хил суратлардан иборат.

Тадқиқотнинг асосий қисми етти бобдан иборат бўлиб, ўз навбатида, бобларнинг ҳар бири ҳам бир неча фасл (қисм)лардан иборат. Асар охирида фойдаланилган кўплаб манбалар ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Биринчи бобда Амир Темур ҳокимият тепасига келмасдан олдин Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият таҳлили, «Мовароуннаҳр» атамасининг маъноси, унинг тарихи ва ўша пайтдаги чегаралари, унинг иқлими, рельефи, сув иншоотлари, ўсимлик дунёси ҳақида, Мовароуннаҳрнинг қадимги замонларда ва ўрта асрларда араблар, форслар, турклар, мўғуллар ҳукмронлиги давридаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Амир Темур даврининг бошланиши» деб аталиб, унинг биринчи қисмида Амир Темур давридан олдин Европа, Ислон дунёси ва Жануби-шарқий Осиё давлатларидаги сиёсий аҳвол уларнинг дипломатик муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинган; иккинчи қисм Мовароуннаҳрдаги ички сиёсий воқеаларни қамраб олган бўлса, учинчи қисм чигатой турклари жамиятининг ташкил топишига бағишланган. Мазкур қисмда ўша даврда Мовароуннаҳрда яшаган аҳолининг урф-одатлари, уларнинг табиий хислатлари ва фазилатлари ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Амир Темур ҳокимиятга келишдан олдин» деб аталиб, унда Соҳибқирон даврига оид кўпдан-кўп ёзма манбаларга асосланиб, Амир Темурнинг болалик ва ёшлик йиллари, унинг билим олиши, оилавий аҳволи, дин аҳлларига хайрихоҳлиги, мўғуллар билан муносабатлари, амир Хусайн билан бўлиб ўтган ўзаро курашлари, шунингдек, Мовароуннаҳрни мўғул мустамлакачиларидан озод қилиш йўлида узоқ муддат давомида олиб борган кураши жараёнида бошидан кечирган қийинчиликлари батафсил ҳикоя қилинади.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгандан кейин (1370 йил) ўн йил (1370—1380 йиллар) давомида юз берган воқеаларга, шунингдек, ўз мамлакатининг шимолий ва ғарбий ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширган чора-тадбирлар тадқиқотнинг тўртинчи бобини ташкил қилади.

Доктор Мазҳар Шихоб тадқиқотининг катта қисмларидан бири — бешинчи боби Амир Темурнинг Олд

Осиё ва Дашти Қипчоққа юришлари, Амир Темур билан Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлар ҳамда Соҳибқироннинг Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Озарбайжон, Сурия ва Рум юришларига бағишланган. Муаллиф ёзма манбалардаги маълумотларга таяниб, бу юришларнинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Айти шу қисмда муаллиф XV асрда ижод қилган кўплаб араб муаррихларининг ёзганлари асосида Амир Темурнинг Миср султонлари аз-Зоҳир Барқук, унинг ўғли Носир Фараж, шунингдек, уларнинг Шомдаги ноиблари ўртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли мулоҳазалар юритади. Ушбу бобнинг бир қисми (фасли) Соҳибқироннинг Европа давлатлари билан муносабатларига, яна бир фасли эса Амир Темурнинг вафотига ва шундан кейин содир бўлган воқеаларга бағишланган.

Тадқиқотнинг олтинчи боби Амир Темурнинг маданият соҳасидаги фаолиятига бағишланади. Уч қисмдан иборат бўлган ушбу бобда Соҳибқирон ҳазратларининг бунёдкорлик борасидаги катта ишлари; илм-фан равнақи йўлидаги самарали фаолияти; даврида бунёд этилган олий бинолар; давлатни идора қилишдаги ўзига хос услуб ва усуллари; ҳарбий маҳорати ва даҳоси; барқарор иқтисодиёт барпо этиш йўлида Амир Темур томонидан амалга оширилган хилма-хил ва улкан ислоҳотлари; тижорат ва ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги жўшқин фаолияти; Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан Амир Темур давлати ўртасида мавжуд бўлган савдо-сотик ва дипломатик муносабатлар хусусида; унинг қўшини ва ҳарбий бошлиқларидаги маънавий ва жанговар руҳнинг бўлганлиги, олиму уламоларга, санъат ва маданият арбобларига, турли-туман ҳунарларнинг етук усталарига нисбатан Амир Темурнинг ҳурмат-эҳтироми ҳақида муфассал ва аниқ маълумотлар келтирилади.

Тадқиқотнинг сўнгги, еттинчи боби «Амир Темур шахсиятининг таҳлили» деб аталади. Мазкур бобда Амир Темур ҳазратларининг шахси, унинг ташқи қиёфаси, бу ҳақда ўша даврда яшаган қатор тарих-

чиларнинг ёзганлари асосида Соҳибқирон сиймосининг ёзма (китобий) тавсифи келтириладики, бу маълумотлар ғоятда муҳимдир.

Амир Темурнинг юксак инсоний фазилатлари, унинг одатлари ва ўзига хос сифатлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Ушбу бобнинг бир фаслида Амир Темурнинг маълумоти ва диний эътиқоди ва қарашлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Айни шу бобда фактик маълумотлар асосида тадқиқотчи Амир Темурнинг бошқа ҳукмдорлардан устунлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Умуман, ушбу тадқиқот билан танишишдан шундай хулоса кўзга ташланадики, Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ёритишда араб олими Мазҳаб Шихоб ниҳоятда илмий йўл тутиб, ёзма манбалардаги аниқ маълумотларга таянган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини ҳолисона ва самимий ифода қилган. Ушбу тадқиқотнинг мундарижасидан ҳам маълум бўлаётирки, араб олимнинг Амир Темур ҳақидаги бу йирик ва жиддий тадқиқоти Соҳибқироннинг ёрқин ҳаёти ҳамда кенг қамровли жўшқин фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

А.ЖУЗЖОНИЙ

(Тошкент Давлат юридик институти доценти)

АДОЛАТГА ТАЯНГАН ТУЗУМ

Темурийлар буюк давлатининг асосчиси Темурбек ибн Тарағай, ёшлигиданоқ зўравонлик ва зўравонларга қарши кураш бошлаб, жамиятда адолат асосида иш олиб бориш туйғулари билан ўсди ва камолот даражасига кўтарилди.

Амир Темурнинг узуги кўзида ёзилган «Адолат — нажот йўлидир» деган қисқача ибораси ҳам унинг дунёқараши кўзгуси ва амалий фаолиятининг асосий шиори эди. Амир Темурнинг барча хатти-ҳара-

катида унинг таъсири очик сезилиб турарди. Адолатга ишониш Амир Темур учун иймон даражасига кўтарилган эди.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) илмини чуқур билган киши эди. Султониялик Ускуфийнинг ёзишича, бу соҳада у юксак даражага кўтарилиб, фатво бериш, яъни қонуний ҳукм чиқариш салоҳиятига эга бўлган одам эди.

Фикҳ илми Амир Темур ва унинг соҳиби салтанат бўлган авлоди учун меъёри бўлиб, улар ушбу фанни ривожлантириш билан бирга буюк фақиҳ (ҳуқуқшунос)ларни юксак лавозимга кўтариб, шайхулисломлик, қозилик, муҳтасиблик ва мударрислик вазифаларини уларга топширган эди. Мирзо Улуғбек томонидан Шаҳрисабзда қурдирилган Кўк гумбаз жомеъ масжидининг тўрт девори атрофида ёзилган ушбу ҳадис ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортади: «Оллоҳ ҳар кимга эзгулик истаса, уни ислом динида фақиҳ қилади». Гумбаз деворлари атрофида такрор-такрор ёзилган ушбу ҳадиси шариф Амир Темур авлодлари фикҳ илми, яъни ҳуқуқшунослик фанига нечоғлик қизиққанидан далолат берувчи мисолдир.

Бошқа бир ҳадис мазмунига биноан, султон Ер юзида Оллоҳнинг сояси ҳисобланади. Ўзини шундай юксак ва масъулиятли ўринда турганини чуқур англаб олган Соҳибқирон ўз бурчини илоҳий таълимот, яъни ислом дини манбалари нури билан амалга оширишга уринган.

«Куч — адолатдадир» деган қисқа шиор, шариат томонидан кўрсатилган барча адолат меъёрларининг қисқача ифодаси бўлиб, уларнинг туб мазмунини ўзида акс этдирган.

Шариат ва давлат қонунларига, шунингдек, урф қонунларига бўйсуниб Амир Темур давлатида ҳукумат тизимнинг асоси бўлиб, барча давлат идоралари, айниқса, ҳарбий соҳалар учун унга риоя қилиш мажбурий ҳисобланган. Соҳибқирон: «Мен ҳар доим аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳида тарбиялаб келдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирма-

дим», деб таъкидлаган эдилар. Унингча, фақат ша-рият қонунларини, шунингдек, урф қонунларини на-зарда тутгандагина, миллат ўз раҳбарларига ишона-ди ва улар томонидан берилган буйруқларни жону дил билан қабул қилиб бажаради.

Амир Темур адолатнинг кучига, унинг ғалабасига чуқур ишонган эди. Ушбу ишонч ва ақида инъикоси-ни унинг «Тузуклар»идаги иборалар ва ҳикматли сўзларда кўриш мумкин. «Адоват эмас, адолат енга-ди» деган қисқача ҳикматли ибора нафақат ўша даврда, балки бугунги кунда ҳам катта амалий ва назарий аҳамиятга эгадир.

Амир Темурнинг 27 мамлакатдан ташкил топган буюк давлати ҳудудида адолат мезонларига изчил-лик билан риоя қилинар ва шу йўсинда буюк импе-рия хавфсизлиги таъмин этиларди. Бу ҳақда «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», деб ёзган эди у ўз «Тузуклар»ида. Шу боис султониялик Ускуфийнинг ёзишича, унинг кенг қаламравида йўловчилар ва карвон аҳли учун ҳар томонлама хавфсизлик таъминланган эди.

Шу каби, Амир Темур ўз авлодларини ўч олмас-ликка, ҳар доим тинчлик ва яраш йўлларини очиб қўйишга чақириб, бундай деган эди: «Қонни қон би-лан эмас, сув билан ювишни ўрган!»

Шундай қилиб, Амир Темур асос солган буюк давлат, қонуний меъёрлар ва ҳуқуқий нормаларга асосланган бўлиб, қонунбузарликка йўл қўйган ки-шилар ва амалдорлар жазоланганлар. Бир сўз би-лан айтганда, Темурийлар давлати, адолат меъёр-ларига асосланган буюк тузум бўлган.

Д. ЮСУПОВА

(Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими,
филология фанлар номзоди)

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Амир Темурнинг ҳарбий-феодал давлатида аввал ҳокими мутлоқ Амир Темур, ундан кейин унинг тахт ворислари туришган.

Маълумки, ўрта асрларнинг бу йирик давлатида вазирлар катта роль ўйнаганлар. Тасодиф эмаски, «Темур тузуклари»да вазирларнинг хизмат қилиш тузугига алоҳида эътибор берилган. Унда келтирилган маълумотга кўра, салтанатнинг марказий маъмуриятини *бош вазир — девонбеги* бошлиқ *етти вазир* бошқарган.

Улардан тўрттаси ҳар куни девонхонада ҳозир бўлиши зарур бўлган. *Биринчи вазир* — мамлакат ва раъият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишлар, ҳар куни пайдо бўлиб турадиган муомалалар, раъият аҳволи, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимлар, аҳолининг умумий аҳволи ва хазинани бошқариш масалалари билан шуғулланар эди.

Иккинчиси — сипоҳ вазиридирки, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳолари (маоши учун берилган ер-сув)ни бошқарган.

Учинчиси — эгасиз қолган, вафот этган ва мамлакатдан қочиб кетган кишилар мол-мулки ва ер-сувини, келиб-кетувчи савдогарларнинг мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-яйловларини бошқариб, буларнинг ҳаммасидан йиғилган даромадни омонат тарзда сақловчи вазирдир. Шунингдек, у кетиб қолганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхўрларига топшириш билан шуғулланган.

Тўртинчи вазир — салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чи-

қимлари, хазинадан сарф қилинган харажатлар, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатлар билан боғлиқ ишлар билан шуғулланган.

Қолган уч вазир эса Амир Темурга тобеъ мамлакатлардаги молиявий муомалалар ва келадиган даромадларни бошқарар эдилар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Амир Темур давлатида вазирлар зиммасига муҳим вазифалар юкланган.

Аммо, ўша даврда *бош вазир* — *девонбеги* ёки оддий вазирлик лавозимида ким, қачон ва қандай ўз вазифасини бажарганлиги кўпчиликни қизиқтиради.

Темур ва Темурийлар тарихини ўз ичига олган тарихий асарларда, жумладан, Фиёсуддин ас-Самарқандийнинг «Рўзномайи ғазовати Ҳиндистон»ида, Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома»сида, Ҳофизи Абрунинг «Зайли Зафарнома»сида, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур»ида, Фасих Аҳмад Хавофийнинг «Мужмали Фасихий»сида, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»ида ва бошқа асарларда вазирлар ҳақидаги маълумотлар махсус бир жойда ёки бўлимда келтирилмаган. Аммо, кўпинча у ёки бу воқеа ҳақида сўз юритилган пайтда, вазирлар билан боғлиқ ишлар эслатиб ўтилади. Албатта, вазирлар ҳақидаги тарқоқ қайдлардан вазирлар ва уларнинг фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш қийин. Бунинг учун улар ҳақидаги маълумотларни битталаб йиғиб ва бир ерга тўплаб, уларни бири бири билан солиштириб, тўлдириб, фақатгина шундан кейин улар ҳақида бир фикр айтиш мумкин.

Бу борада ҳиротлик машҳур Хондамирнинг (1475—1537) 1501 йили Алишер Навоий илтимосига мувофиқ Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Камолуддин Маҳмудга бағишлаб ёзган «Дастур ул-вузаро» (Вазирлар учун қўлланма) асари зўр аҳамиятга эга. Мазкур асарда Шарқ мамлакатларининг VII—XVII асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар сулоласи инқирозига қадар

ўтган вазирлар тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Хондамирнинг 1523 йили ёзилган «Номаи номий» (Атоқли номалар) асари ҳам бу борада маълум аҳамият касб этади. Китоб иншо илмига оид, Шарқ мамлакатларида ўтган турли табақадаги тарихий шахслар (подшолар, амирлар, садрлар, қозилар, шайхлар, шоирлар ва вазирлар)га мансуб мактублар намуналарини ўз ичига олади. Асарнинг қимматлиги шундаки, у баъзи бир муҳим мансаб эгаларининг (масалан, парвоначи, мушший, муставфий, девонбеги, вазир ва ҳоказо) келиб чиқиши ҳамда шундай мансаб эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари хусусида ўта муҳим маълумотлар беради.

Илмий кузатувларимиздан шу ҳам маълум бўлдики, «вазир» атамаси тарихий манбаларда бошқача ном билан ҳам учрайди. Маълумки «Мужмали Фасихий»нинг муаллифи Фасиҳ Хавофий 1415 йилда Шоҳрух саройида хизмат қилган. Илгари эса, саккиз ой мобайнида йирик феодал Алоуддин Тархоннинг қўл остида хизмат қилган эди. 1417 йилда у Фасиҳ Хавофийга муважжаҳи девон лавозимини топширганлиги ҳақида маълумот бор.

«Муважжаҳ» атамаси туркча «мўча» сўзининг бузилган шакли бўлиб, вазирлик лавозимига яқин мансабдир.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, кўпроқ олим, шоир ёки санъат аҳли вазирлик лавозимида бўлганлар.

Кўпинча вазирлар устидан қилинган чақимчилик натижасида уларнинг ишдан олинган ҳоллари ҳам кўп бўлган.

Куйида биз мисол тариқасида вазирлар ҳақида Фасиҳ Хавофийнинг «Мужмали Фасихий» ва Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» асарларидан бир неча мисол келтирамиз.

«Мужмали Фасихий»дан:

804 (1401—1402) йил Амир Темур Хожа Шамсуддин Муҳаммад ибн Хожа Али ибн Низомуддин Яҳёё Симнонийни вазир қилиб тайинлаб, Хуросонга жўнатган ва у Ҳиротга келган.

808 (1405—1406) йил Умаршайх Табриздалик пайтида Самарқанддан қочиб келган Хусравшоҳга вазирлик мансабини топширган.

811 (1408—1409) йил Шоҳрух Саййид Фаҳруддин Муҳаммад ва амир Шугонийни ҳамкорликда вазирликка тайинлаган. Худди ўша йили улар лавозимидан бўшатилиб яна тикланган.

812 (1409—1410) йил Шоҳрухнинг вазири Саййид Фаҳруддин Муҳаммад бир гуруҳ чакимчилар — Мавлоно Муҳаммад Соғаржий, Хожа Музаффар арғун, Хожа Шарафуддин Али Симноний ва Хожа Тожуддин Симнонийларнинг чақувига биноан лавозимидан олиб ташланган ва унинг лавозими вазирларнинг султони Саййид Зайнулобидин ал-Хамасийга топширилган эди. Кейинчалик, у ўз лавозимига тикланган.

815 (1412—1413) йил амир Искандар Қумни забт этди ва унинг вазири Музаффар Фарраҳонийнинг ҳийласи билан Хожа Муҳаммад Қумийни ҳибсга олди. Сўнгра Музаффар Фарраҳоний Қумнинг молмулкини бошқариш вазири лавозимига тайинланган эди.

«Дастур ул-вузаро»дан: «Хожа Нажмуддин Муҳаммад ибн Хожа Гиёсуддин Пир Аҳмад ал-Хавофий давлат арбобларидан ажралиб турадиган шахс. Нужум ва иншо илмида зўр маҳоратга эга эди. Султон Абу Саъид мирзо ҳукмронлик қилган даврда у мунший лавозимида хизмат қилган. Султон Ҳусайн мирзо ҳукмронлигининг дастлабки йилларида узоқ вақт шаҳзода Муҳаммад Султоннинг вазири ва ҳурматга сазовор киши эди. Лекин, шундай вақт келдики, у барча нарсадан маҳрум бўлди».

Қисқаси, шундай бўлдики, Хожа Қавомуддин Низомулмулк ва ўша вақтда соҳибдевон лавозимини эгаллаб турган Хожа Азалуддин Муҳаммад Хожа Нажмуддин Муҳаммаднинг устидан Султон Ҳусайн мирзога чакимчилик қилиши натижасида унинг амрига биноан амир Бадруддин вазирни зиндонга ташлади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, вазирлар фаолияти ҳақида маълумотларни

аста-секин синчиклаб тўплаш мумкин. Бу эса Амир Темур давлат тизимини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Д. БОБОЖОНОВА
(Тарих фанлари доктори)

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ЖАҲОН ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Буюк Соҳибқирон Амир Темур нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдирган давлат арбоби, шавкатли саркарда ва саховатли илм-фан ҳомийсидир. Шу боис улуғ бобокалонимиз номини қоралашга уринган шўролар замонида ҳам жаҳонда унинг шахсига ва фаолиятига бўлган катта қизиқиш ҳеч қачон сўнгани йўқ. Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ халқимиз даҳоси тимсолига айланган улуғ Амир Темурнинг муборак номи, у ҳақдаги тарихий адолатни тиклашга киришилди.

Аввало айтиш керакки, бу билан олдинги тоталитар тузум даврида унутиб юборилишига оз қолган буюк бобомиз Амир Темур ва унинг авлодлари олдидаги тарихий ва маънавий бурчимизни бажаришга имкон туғилди.

Бу имконият туфайли мамлакатимизда ҳазрат Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишланиб кўп тадбирлар ўтказилди, улкан бунёдкорлик ва маданий-маърифий ишлар амалга оширилди. Улуғ бобомизга тааллуқли ҳар бир тадбир, ҳар бир иш умумхалқ тантанасига айланиб кетгани ушбу хайрли ишнинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради. «Кимки, — деб айтган эди И.А. Каримов, — ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймоси-

ни эслаш керак».* Дарҳақиқат, Амир Темурни чуқур англаш, ўрганиш асносида миллий қадриятларимизни, қадимий анъаналаримизни, жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган аجدодларимизни янги шароитда яна бир бор қайтадан дунёга танитиш имкониятига эга бўлдик.

Темурнинг катта хизматларидан бири шу бўлдики, «у Мовароуннаҳр ва Туркистондаги мавжуд феодал тарқоқликка барҳам берди, мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилиб, марказлашган қудратли феодал давлатга асос солди. Вайрон бўлиб ётган шаҳарларни тиклади, ҳунармандчилик, савдототиқ ва зироатчиликнинг ривожланишига шарт-шароит яратиб берди. Бунинг натижасида мамлакатда илм-фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Темур ва Темурийлар даврини «Шарқда уйғониш даври» деб эътироф этилиши Темурнинг Мовароуннаҳр ва Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни ва роли нақадар катта эканлигидан далолат беради».**

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказишга тайёргарлик даврида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларда ва улуғ бобоколониимиз қадами теккан бошқа жойларда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди, бу буюк сиймо фаолияти билан боғлиқ тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлашда катта натижаларга эришилди. Қадим Туроннинг уч буюк шаҳри — Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда жаҳонда тенги йўқ саркарда ва давлат арбобиغا бир-биридан салобатли ҳайкаллар ўрнатилди, бу улуғ инсонга атаб боғлар, хиёбонлар, сайлгоҳлар бунёд этилди. Булар ичида муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида халқимизнинг анъанавий ва замонавий меъморчилиги маданияти уйғунлигида бунёд этилган муҳташам ва маҳобатли Темурийлар тарихи Давлат музейи қад ростлаганлиги муҳим тарихий воқеа бўлди. Бундай улкан мада-

* *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар, 5-жилд. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997, 169-бет.

** *Бўрибой Аҳмедов*. Сохибқирон Темур. Тошкент. 1996, 4-бет.

ний масканнинг қисқа бир муддатда қурилиши, унинг замонавий техник ва кўрсатув воситалари билан таъминланиши туфайли мустақил юртнинг, ўз эрки ва озодлиги қўлида бўлган халқнинг нималарга қодир эканлиги дунё ҳамжамияти олдида яна бир намоёиш этилди. Бу кошонанинг бунёд этилиши Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганлигининг яна бир амалий исботи бўлди. У халқимизнинг XX аср сўнгида ўзлигини англаш сари ташланган дадил қадами, фахрифтихори ва ғурурнинг юксак тимсоли бўлиб қолажак.

Дунё илмий жамоатчилиги ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқин йирик тарихий асарлар яратдилар.*

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур юбилейига бағишланган тадбирлар эскича қарашларга барҳам бериш, моҳир саркарданинг давлатчилигимиз асосчиси, тенги йўқ бунёдкор, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида ҳис қилиш, бу улуғ инсон маънавий меросининг аҳамиятини чуқур англаш тарихий ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаш учун кенг йўл очиб берди. Бунда Соҳибқиронга бағишланган бадиий ва ҳужжатли фильмлар, санъат асарлари, туркум радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар, вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалар ва давра суҳбатлари, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, мактаблар ва меҳнат жамоаларида ўтказилган учрашувлар, конференциялар, илмий йиғинлар, халқаро ва минтақавий симпозиумлар катта аҳамиятга эга бўлди.

1995 йил октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг 28-Бош ассамблеяси ҳазрат Амир Темур таваллуд топган кунининг 660 йиллигини бутун дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу — бобокалонимизнинг жаҳон тарихига,

* «Халқ сўзи», 1996 йил 25 октябрь.

фани ва маданиятига, меъморчилиги ва санъатига, Шарқ цивилизацияси ва тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларининг тан олиниси эди.

Париж Соҳибқиронга кўп марта ўз таъзимини бажо келтирган. ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтган бу галги тантаналар эса олижаноб француз халқининг Амир Темур даҳосига, мустақил Ўзбекистон халқига ва унинг Президентига бўлган юксак эҳтироми ва ҳурматининг инъикоси бўлди.

Бу ўринда 1996 йилнинг апрель ойида Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг юксалиши» мавзуида ўтказилган халқаро симпозиум ва ҳафталикни алоҳида таъкидлаш лозим.

Анжуманларда кўпгина хорижий олимлар билан бирга ўзбекистонлик саккиз нафар темуршунос олимлар ҳам ўз маърузалари билан қатнашдилар. Париж шаҳрида ўтказилган анжуман Амир Темурнинг жаҳон маданияти, санъати, фанига, хусусан, Шарқ цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини ва ёш мустақил Ўзбекистонимизнинг нақадар чуқур маънавий илдизларга эга эканлигини дунёга яна бир бор намоён этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда республикамизда жуда катта тадқиқотчилик ишлари олиб борилди. 40 га яқин катта-кичик китоблар, монографиялар, альбомлар, буклетлар, хариталар, плакатлар чоп этилди. Бундай тадқиқотлар ва илмий-оммабоп асарларда фанга, жамоатчиликка номаълум бўлган кўп манбалар, ҳозиргача бир ёқлама, янглиш талқин қилиниб келинган бир қанча тарихий воқеалар ўзининг тўғри ифодасини топди. Буюк саркарда ва давлат арбобининг улуғ сиймосига жаҳон миқёсида қизиқиш ниҳоятда катта эканлигининг сабаблари, унинг ўлмас меросининг тарихий аҳамияти ҳар томонлама очиб берилди.

Ана шу тадбирлар орасида 1996 йилнинг 24 октябрида Туркистон саройида ўтказилган «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция асосий ўрин тутди.

Унда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов салмоқли илмий маъруза қилиб, Амир Темур даҳоси, унинг тарих саҳнасига чиқиш сабабларини, марказлашган давлатга асос солиши, бунёдкорлик фаолияти ва саркардалик салоҳиятини, бугунги кунда Соҳибқирон шахсига нисбатан тарихий адолатни тиклашнинг моҳияти ва бунинг озод Ўзбекистон учун ижтимоий-сиёсий заруратини ҳамда меросининг аҳамиятини ҳар томонлама кўрсатиб берди. Президентнинг илмий маърузаси бу улкан форум қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди, ундаги асосий хулосалар барча олимларнинг маъруза ва нутқларида ҳар жиҳатдан қувватланди. Конференцияга ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақалари бўлимининг директори Садаиширу Акаджима, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг Президенти, Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов, Темурийлар даври санъати ва тарихи ассоциациясининг Президенти, француз-ўзбек маданий алоқалар жамияти Президенти, профессор Люсьен Керен, Америка Қўшма Штатлари Атлантик кенгашининг халқаро хавфсизлик дастури директори, профессор Ричард Нельсон, Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» ва «Айн аш-Шамс» университетларининг профессори Насрулло Мубашир Тарозий, Олмониянинг Триер университети профессори Клаус Пандер, Ҳиндистон Алигарх мусулмон университети профессори Мансура Ҳайдар, Япониянинг Киото университети профессори Эйжи Мано, Россия Давлат Эрмитажининг бўлим мудирини, профессор Анатолий Иванов, Хитой Халқ Республикаси Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директорининг ўринбосари, профессор Син Гуанчен, Туркиядаги Ўрта Шарқ университетининг профессори Эсонбека Тўғон, Италиядаги Шарқ университетининг профессори Мишель Бернардини каби машҳур олимларнинг қатнашишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Улар ўз маърузаларида улуғ мутафаккирлар ва тарихий шахслар номини улуғлаш, уларнинг меросини ўрганишда Ўзбекистонда олиб борилаётган катта ишларга юксак баҳо бердилар.

Париж ва Тошкентдаги тадбирлар Самарқанддаги тантаналар билан қўшилиб, жаҳон халқларининг улуг Соҳибқиронга бўлган буюк эҳтиромининг ўзига хос бир якуни бўлди. Конференцияга тайёргарлик даврида унга иштирок этишга хоҳиш билдирган олимларнинг маърузалари матни ва тезисларини ўз ичига олган ўзбек, рус ва инглиз тилларида уч китоб нашр этилди. Конференцияда, унинг ялпи мажлислари ва шўъбалари йиғилишларида Европа, Осиё, Америка ва Африка қитъаларининг 25 мамлакати ва Ҳамдўстлик давлатларидан келган 100 дан ортиқ мутахассислар, икки мингга яқин олим, ёзувчи, журналист, дипломат, фан ва маданият, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этдилар.

Анжуманнинг ялпи мажлислари ва унинг беш шўъбаси йиғилишларида Амир Темурнинг буюк бунёдкор шахс ва улкан давлат арбоби ва саркарда сифатида XIV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатга асос солгани, бу давлатнинг халқаро миқёсда бўлгани «буюк уйғониш» сифатида баҳоланди. Конференция натижаларидан келиб чиқадиган бош илмий хулоса ҳам айнан шудир. Конференциянинг бундай кенг қамровда иш олиб бориши қатнашчиларнинг юксак салоҳиятидан дарак бериш билан бирга, унга ва умуман Амир Темур таваллуди 660 йиллиги тадбирларига пухта тайёргарлик кўрилганлигини ҳам тўла тасдиқлайди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олиб борилган ишлар мажмуи, жуда юксак савияда ўтказилган тантана ва тадбирлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш ва бойитишда мисли йўқ улкан воқеа бўлди. Бу улкан тадбир, халқимиз ўзлигининг ўзига хос тантанасига айланиб кетган бунёдкорлик ишлари тафсилотларини ҳали кўп ўрганишимиз, таҳлил этишимиз, зарурий сабоқлар чиқариб олишимиз, унинг натижаларини янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Шу маънода, Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш бўйича ҳам, улар қолдирган моддий ва маънавий меросини авайлаб асраш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда шу орқали маънавиятимизни янада юксалтириш ва бойитиш бўйича ҳам олдимизда янгидан-янги вазифалар турибди. Президентимиз муносабатлари, Амир Темур сиёсий саҳнага чиқиши арафасида Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Амир Темурнинг буюк шахс сифатида шаклланишига таъсир этган омиллар, бобокалонимизнинг ўз она юртининг озодлиги ва тараққиёти учун амалга оширган тадбирлари, фан, маданият, санъат, меъморчилик, шаҳар қурилиши ва суғориш иншоотлари барпо этишдаги фаолияти, ҳарбий саркардалик салоҳияти ва бу улуғ сиймонинг жаҳон тарихидаги ўрни ва ролига оид фундаментал масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Маъруза ва нутқларда улуғ Соҳибқироннинг маданий-маърифий фаолияти, адабиёт, санъат, меъморчилик, фан ва таълим арбобларига ҳомийлиги ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ҳамда шу орқали жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси илмий асосда баён этилди. Конференция қатнашчилари ўз маърузаларида бу хусусдаги янги хулосаларини баён қилдилар. Маъруза ва чиқишларда Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат қурилиши, халқаро муносабатлар, амалий санъат ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, бу даврда адабий алоқалар, фан ривожи, ҳазрат Соҳибқирон сиймосининг адабиётдаги акси, турли ҳудудларда Амир Темур номи билан боғлиқ архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлашнинг ҳозирги муаммолари каби аниқ илмий-амалий масалалар ҳақида эътиборли мулоҳазалар юритилди. Бир сўз билан айтганда, «Темурийлар ренессанси»нинг асосий моҳияти ва хусусиятлари ҳар томонлама асослаб берилди. Шундай экан, И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек: «Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга

ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ».*

Т. ФАЙЗИЕВ

(Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди)

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ 1399 ЙИЛИ СУЛТОНЯГА БОРИШИНING САБАБЛАРИ

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» аса-рида ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур 1393 йили Шимолий Эрон, Ироқ ва Кавказорти ўлкасини (собиқ Хулағухонга қарашли улус) идора қилишни учинчи ўғли Мироншоҳ мирзо (1366—1408)га топширган эди.

Мироншоҳ мирзо ёшлигиданоқ ҳарбий ишлардан хабардор, жасур ва ёвга нисбатан шафқатсиз жангчи сифатида ном таратган эди. Шунингдек, у ўта маккор, майхўрлик ва маишатга берилган киши эди.

1376 йилда Жаҳонгир мирзо вафот этгач, унинг катта беваси Хонзода (Севин бека) бегим 1382 йилда Амир Темурнинг кўрсатмаси билан Мироншоҳ мирзога никоҳлаб берилган эди. Мироншоҳ мирзо Ўзбекхоннинг бу набирасига уйлангандан кейин, отаси Темур каби «кўрагон» деган фахрий унвонга мушарраф бўлган.

Мироншоҳ мирзо улусининг пойтахти Озарбайжоннинг Султония шаҳарида эди. У овни яхши кўрар эди. 1396 йилнинг кузида навбатдаги овда отдан йиқилиб шикастланади. Тарихий манбаларда ёзилишича, ана шу жароҳатдан сўнг унда бир оз миянинг чалғиш аломатлари вужудга келган. Аммо Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Мироншоҳда ҳеч

* *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997. 190—191-бетлар.

қандай савдойилик аломатини кўрмаган. Аксинча, Мироншоҳ кастилиялик элчиларни ўз замонасининг тартиб-қоидаларига мувофиқ тарзда қабул қилган ва қиролнинг соғлигини сўраган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мироншоҳ кейинги пайтда айшу ишратга берилиб кетиб, давлат ишларига қарамай кўяди. У шаръий ва ношаръий йўллар билан хотин олишни кўпайтиради. Узлуксиз давом этган базмлар ва ҳар хил кўнгилочар томошалар хазинага сезиларли зарба берди. Мироншоҳ мирзо ҳатто Султония шаҳридаги энг чиройли ва ҳашаматли бинолардан бирини буздириб ташлади. Шунингдек, Табриз шаҳридаги машҳур давлат арбоби ва тарихчи олим Рашидиддиннинг мақбарасини ҳам буздириб, марҳумнинг суяқларини йиғдириб, шаҳардаги яҳудийлар қабристонига олиб бориб кўмдириб юборди. Ўзининг бундай ҳаттиҳаракатига тарихчи Рашидиддиннинг яҳудий мазҳабига мансуб эканлигини асосий сабаб қилиб кўрсатди. Улусга жабр-зулмни кучайтиради.

Мироншоҳ ўз ҳарамидаги хотинларига ҳам ҳар хил тўхмат ва бўҳтонлар қилиб, жабр-зулмни ҳаддан оширади. Ниҳоят, 1399 йилда Мироншоҳнинг катта хотини Хонзода бегим эридан яшириқча Самарқандга — қайнотаси Амир Темурнинг ҳузурига келиб, унга Мироншоҳнинг кирдикорларидан шикоят қилди. Амир Темур ҳурматли келинидан бу аҳволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Соҳибқирон бир ҳафта давомида йиғлаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган. Ниҳоят, у машҳур етти йиллик юришга бел боғлаб, йўл-йўлакай, кўққисдан Озарбайжонда тўхтади. Амир Темур Султонияга киргач, дарҳол Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқларини тутдириб, зиндонга ташлади.

Эртаси куни ҳазрат Соҳибқирон энг нуфузли кишиларни кенгашга тўплаб, Мироншоҳ масаласини ўртага қўяди. Улуғ девонга йиғилган амалдорлардан Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқларига берилажак жазо қандай бўлиши кераклигини айтишларини талаб

қилади. Бироқ, йигилганлардан садо чикмайди. Ниҳоят, Амир Темурнинг ўзи Мироншоҳ ва унинг аркони давлатига ўлим жазоси берилишини айтади. Темурнинг пири Саййид Барака ва айрим амалдорлар бу ҳукмга қатъиян қарши чиқадилар. Лекин Темур ўз сўзида маҳкам туриб олгач, амир Шоҳ Малик ўрнидан туриб, «Ўз ўғлингиз-ку, давлатпаноҳ», дейди. Соҳибқирон тортишиб ўтиришни ёқтирмас, бинобарин, ўрнидан сапчиб туриб, амир Шоҳ Маликка ғазаб билан тикилади. Амир Шоҳ Малик эса яна «Шаҳзода сизнинг фарзанди аржумандингиз эрур, давлатпаноҳ, қатл қилдирсангиз, ислом қиличига фарзандкушлик исноди доғ бўлиб тушмоғи муқаррардур», дейди. Амир Темурнинг янада ғазаби авжга чиқиб, «Мен аҳкоми шариатда эмас, ўз салтанатимда тартиб ўрнатмоғим лозим!» дейди. Шунда Саййид Барака ўрнидан туриб, «Барибир, ҳар бир ишдан Оллоҳ таоло воқифдур, ҳукмдор!», дейди. Шундан сўнг Темур ўзича бир қарорга келади-да, ғазабдан тушиб кенгаш тугаганлигини маълум қилади.

Эртаси шаҳар халқини катта майдонга йиғиб, Мироншоҳ бошлиқ унинг барча амир ва амалдорларини қўллари боғлиқ ҳолда зиндондан олиб чиқиб, шаҳар майдонига олиб келадилар. Майдон ўртасида турган жаллод ҳазрат Соҳибқироннинг сўнгги буйруғини кутарди. Ниҳоят, Амир Темур қатлни бошлашга ижозат беради. Жаллод Мироншоҳнинг бир неча бек ва амалдорларини бирин-кетин қатл қилгач, навбат Мироншоҳга келади. Шу аснода Саййид Барака бошлиқ барча амирлар, беклар ва шаҳзодалар ўртага тушиб, Мироншоҳнинг гуноҳидан ўтишни Соҳибқирондан илтижо қилиб, ёлборадилар. Шундан сўнггина, Мироншоҳ банддан озод қилиниб, гуноҳи кечирилади. Қатл қилинган бек ва амалдорларнинг тўплаган мол-мулки мусодара қилинади.

Мироншоҳнинг ҳарамдаги хотинлари ва қанизакларидан фақат фарзанди борларинигина қолдириб, бефарзандлари эса ҳарамдан ҳайдалади. Мироншоҳ ҳокимиятдан азл қилиниб, ўрнига унинг кат-

та ўғли Абубакр мирзони ҳукмдор этиб тайинланади. Бироқ, Абубакр мирзо отаси Мироншоҳнинг ўрнига ўтириб, ҳукмронлик қилишдан ийманиб, бобосининг ишончи ва илтифотидан бағоят мамнун эканлигини, аммо ҳокимиятни қабул қилаолмаслигини билдиради. Соҳибқирон эса Абубакр мирзони кўнгилчанлик ва кўрқоқликда айблаб, мамлакатни Мироншоҳнинг иккинчи ўғли Умар мирзога топширади. Абубакр мирзо отаси Мироншоҳни бундан буён ўзи билан бирга қолдиришни ҳам бобосидан илтижо қилиб сўрайди. Абубакр мирзонинг илтимоси қондирилгач, у отаси Мироншоҳни олиб, ўз ҳукмида бўлган Бағдодга жўнаб кетади. Соҳибқирон Темур эса мамлакатда адолатни тиклаб, ёш ҳукмдор Умар мирзога адолатли ҳукмдор бўлмоқликнинг йўл-йўриқларини уқтириб ва панд-насиҳатлар қилиб, сўнг ўзи Қорабоғга қараб жўнайди.

Мазкур воқеани улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида қуйидагича тасвирлайди:

«Мундоқ нақл қилурларким, чин Мироншоҳ мирзо Табризда чоғирға (ичкиликга) кўп иштиғол кўргүзди, димоғи ва мижози эътидол тариқидин инҳироф топиб, андин номулойим амр кўп сурат тутабошлади. Самарқандда ул ҳазрат (Темурнинг) арзиға бу навъ еткурдиларким, анинг (Мироншоҳнинг. — Т.Ф.) уч надими бор ким, ичкилик ичмакка боис алардурлар. Темур тарафидан ҳукм бўлдиким, тавочи (адъютант) тезлик билан бориб, учаласининг калласини келтирсун, алардин бири Хожа Абдулқодир эрди, бири мавлоно Муҳаммад Коҳий эрди ва бири Устод Қутб ноий эрди. Иккисининг калласи келтирилди. Аммо Хожа Абдулқодир қочиб, қаландар бўлиб, ўзини девоналикға солиб, шаҳарма-шаҳар юрур эрди, то улким, ул ҳазрат (Темур. — Т.Ф.) яна Ироқ юриши қилди, ул мамлакатда Хожа Абдулқодирнинг ул ҳоли баъзи кишиларға маълум бўлиб, юқори (Темурга. — Т.Ф.) арз қилдилар. Ҳукм бўлдики, тутиб келтурсинлар. Ул ҳазрат тахтда эрдирким, хожа фақирни девоналиқиға қўймай, судраб тахт илайиға (олдиға)

келтурдилар. Хожа Абдулқодирнинг камолатидин бири Қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди. Хожа энди ўлимдан қутула олмаслигига ақли етгач, филҳол бийик (баланд) овоз билан Қуръон оятларидан бирини қироат билан ўқишга киришди. Хожанинг қиротини тинглагач, ул ҳазратнинг (Темурнинг) ғазаби лутфга мубаддал бўлиб фазл ва камол аҳли сари боқиб, бу мисрани ўқидиким:

«Абдол зи бийм чанг бар Мусҳаф зад».

(Қаландар қўрқувдан Қуръонга чанг солди.)

Шундан сўнг Хожа Абдулқодирға илтифот ва тарбиялар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Шундан сўнг, 1404 йил август ойида Амир Темур етти йиллик юришдан қайтиб, Самарқандга келади ҳамда фуқарони бир йиллик солиқдан озод қилади. Ўша замон тарихнависларининг ёзиб қолдирган асарларидан маълум бўладики, Амир Темур халқ манфаати йўлида адолатни бош мезон қилиб кўтарган ва бунга қарши турган кишиларнинг ким бўлишидан қатъи назар аёвсиз жазосини берган.

С. ОТАҚЎЗИЕВА

(Тарих фанлари номзоди)

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АЁЛЛАР ЎРНИ

(Клавихонинг «Самарқандга Темур саройига саёҳат» кундалиги асари асосида)

Ўзбек халқи тарихида ўрта асрлар даври, аниқроғи, Амир Темур ва Темурийлар даври қизиқарли ва муҳим ўрин тутди. Ушбу даврнинг муҳим масалаларини ўрганишда, чуқур тадқиқот қилишда тарих фанининг манбашунослик соҳаси зарур соҳалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Темурийлар тарихи Давлат музе-

йида, бошқа бўлимлар билан бир қаторда, Темурийлар даври ёзма манбаларини ўрганиш бўлими ҳам мавжуддир.

Куйида мавзуни ёритишда Темурийлар даври тарихига оид муҳим манбалардан бири испан қироли Генрих III нинг Амир Темур саройидаги элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг асаридан фойдаландик. Мазкур асарда испан элчисининг Самарқандга, Амир Темур саройига 1403—1406 йили қилган саёҳати тафсилотлари берилган. Бу манбанинг қимматлиги де Клавихо Темурнинг замондоши бўлганлиги, у билан учрашган, унинг фарзандларини, аёлларини, келинларини ва набираларини кўрган, сарой ҳаёти ва буюк шаҳар ҳаётини кузатганлигидир. Унинг «Кундалиги» Темур давлатининг ички ва ташқи сиёсатига оид кўпгина қимматли маълумотларни ўз ичига олган.

Бундан ташқари, асарда Амир Темур шажараси, унинг қўл остидаги халқлар, урф-одатлар, аҳоли ҳақида, унинг буйруғи бўйича бунёд этилган бинолар, боғлар ва бошқа муҳим маълумотлар берилган.

Клавихо асарда бирон ҳодисани, ҳудудни ёки табиий шароитни ифодалаганда ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмай, ўзини ажойиб тарихчи, этнограф ва географ сифатида намоён этади. Ушбу асар, шунингдек, XV аср бошлари испан прозаси ва адабиётининг манбаларидан бири ҳисобланади.

Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганувчи тарихчи-шарқшунос олимлар ўзларининг тадқиқотларида мазкур манбага кўп мурожаат қиладилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Клавихонинг «Кундалиги» муайян ҳодисалар ва шахслар ҳақида бой маълумотларга эгадир.

Хусусан, «Кундалик»нинг Темур саройи, сарой аъёнлари, унинг аёллари ва келинлари ҳаётига оид саҳифалари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Амир Темур сулоласи ўз ичидан моҳир сиёсатчилар, олимлар, дипломатлар, саркардалар, шоир ва мусиқачилар етиштириб чиққанлиги билан тарихда чуқур из қолдирган. Бу ажойиб шахслар нафақат

эркаклар, балки аёллардан ҳам иборат бўлганлар. Улардан кўпчилиги тарих саҳифаларида ўзларининг ўчмас изларини қолдирганлар. Амир Темурнинг катта хотини — Сарой Мулк Хоним, Шоҳрухнинг хотини — Гавҳаршод бегим, Халил Султоннинг хотини — Шодмулк Хотун, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қизи — Гулбадан бегим ва бошқалар.

Уларнинг баъзилари Темур саройида яшаганлар. Клавихо улар ҳақида қуйидагича ёзади:

«Душанба куни, олтинчи октябрь куни сеньор катта байрам уюштирди. Тантанага ташриф буюрган элчилар дарё бўйига тизилган чиройли чодирларни кўрдилар. Чодирлар жуда чиройли бўлиб, бир-бирига яқин жойлаштирилганди. Биринчи чодир сеньорнинг Каньо (Бибихоним) исмли катта аёлига тегишли эди, бошқаси эса кичик сеньора маъносини англатувчи Кинчиканое (кичик хоним) исмли иккинчи аёлига тегишли эди. Чодирлар 11 та бўлиб, улар сеньорнинг аёллари ва набираларининг аёлларига тегишли эди. Улар ҳам ўз аёллари билан ушбу чодирларида қишда ҳам, ёзда ҳам худди ўз уйларидагидек яшашарди». Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур саройига мансуб аёллар Соҳибқиронга ҳарбий юришларда ҳамроҳ бўлишган ва тарихдан ўрин олган жангларда ва воқеаларда тўла бўлмаса ҳам, қисман қатнашганлар.

Клавихо Каньо деб атаган Темурийнинг катта аёли Сарой Мулк хоним ўзининг Бибихоним унвонини нафақат хон авлодиданлиги, балки аввало ўзининг шахсий хислатлари эвазига қўлга киритган. У жуда билимли ва кенг дунёқарашга эга бўлиб, мамлакатнинг ички-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётидан ҳар томонлама яхши хабардор бўлган, Амир Темурга мамлакатни бошқаришда ўзининг фойдали маслаҳатлари билан ёрдам бериб турган.

Бибихоним катта аёл сифатида Темурийларнинг ўсаётган авлоди — болалари, набираларининг тарбиясига жавоб берарди. Бу эса мамлакатда давлат иши ҳисобланарди.

Амир Темур Бибихонимдан фарзанд кўрмаган

бўлса ҳам, унга ўзининг фарзандлари ва набиралари тарбиясини топширган эди. Унинг ўғли Шоҳрух, набиралари Муҳаммад Султон, Халил Султон, Улуғбек ва бошқа шаҳзодалар Бибихоним қўлида вояга етдилар.

Темур қабулидан бирида аёлларнинг мавқеи тўғрисида Клавихо қуйидагиларни айтиб ўтади:

«13 октябрь, душанба куни сеньор Темур элчиларни таклиф қилиб, байрам уюштиришга буйруқ берди. Ҳамма йиғилгач, сеньорнинг катта аёли кириб келди. У тилла билан тикилган қизил ипак либосда чиқиб келди. Унинг либоси матосини ўн бешга яқин аёл кўтариб келарди. Юзи юпқа оқ мато билан ёпилган, бошида марварид, лаъл, олмос ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган бош кийими бор эди. Бибихонимни ушбу қабулда уч юздан ортиқ аёл кузатиб борди. У сеньор ўтирган хонага келиб, унинг ёнидан жой олди. Каньо жойлашгандан сўнг, йиғинга сеньорнинг иккинчи аёли кириб келди. Унинг ҳам либоси катта аёлникидек эди, уни ҳам кўпгина таниқли аёллар кузатиб келдилар.

Шу тарзда сеньорнинг тўққиз аёли бир хилда кийинган ва безаклар билан ўралган ҳолда унинг ҳузурига кириб келдилар.

Улардан саккизтаси Амир Темурнинг аёллари, биттаси эса набирасининг аёли эди».

Клавихо ўзининг асарига Темур саройида аёлларга нисбатан катта эъзоз ва ҳурмат кўрсатилганлиги ҳақида бир неча бор ёзиб ўтади.

Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг аёли Хонзода бегим ҳақида у қуйидагиларни айтиб ўтади: «У отани ўғли билан уруштириб қўйди».

Бу ерда Клавихо Мироншоҳнинг давлат сиёсатидан четлашиб, ўзининг хулқи ва хатти-ҳаракатлари билан отаси ва давлат манфаатларига зарар етказганлигини, Хонзоданинг эса бу ҳақда Амир Темурни хабардор қилиб, эри бошқараётган ҳудуддаги аҳволни яхшилаш учун унинг ҳузурига келганини назарда тутди. Ҳақиқатан, Соҳибқирон бундан қаттиқ газабланган ва ўғлини жазолаган эди.

Амир Темур саройида аёллар дипломатик йиғилишларда ҳам қатнашганлар. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари ҳам элчилар ва меҳмонлар учун қабуллар уюштирганлар.

Клавиho ўзининг «Кундалиги»да Бибихоним ва Хонзода ҳузурларида қабулда бўлгани ҳақида ҳам айтиб ўтган. Унинг ёзишича: «9 октябрь, пайшанба куни элчиларни таклиф қилиб, катта байрам ўтказди. Элчилар ташриф буюришганда, уларни ўз қаторига ўтказди. Унинг атрофида сеньор Темурбекнинг кўпгина қариндошлари ҳамда мусиқачилар бор эди».

Бибихоним қабулига эса испан элчиларидан ташқари бошқа мамлакатларнинг элчилари ҳам ташриф буюрдилар.

Юқорида айтиб ўтилган қайдлар, айниқса бошқа тарихий даврлар билан таққослаганда, Темур ва Темурийлар даврида аёлларнинг давлат бошқарувида ҳамда мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутганлигини тўла тасдиқлашга асос беради.

Ў.АЛИМОВ

**(Темурийлар тарихи Давлат музейи
директорининг ўринбосари, тарих
фанлари номзоди)**

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА БОҒДОРЧИЛИК

Ёзма ва археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, боғдорчилик, меъморчилик санъатининг бир қисми тариқасида қадимийдир. Унинг илдизлари беш минг йилдан нарига бориб тақалади.

Ҳақиқатан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга минтақаларда милоддан аввалги XV асрда барпо қилинган геометрик шаклдаги ва тартибли боғлар (масалан, Мисрда), милоддан аввалги VII—VI асрларда табиат хушманзаралари асосида барпо қилинган (масалан, Вавилонияда) боғларни кўри-

шимиз мумкин.* Шубҳа йўқки, Ўзбекистон заминада ҳам жуда қадимдан боғлар мавжуд бўлган, чунки бу ерларда вужудга келган сув иншоотларининг қадимийлиги (масалан, Хоразмда милоддан аввал I минг йилликда сув иншоотлари тараққий этган)** шундай фикр юритишимизга асос бўла олади.

Милоддан аввалги II асрда Парфия давлатининг подшолари ўзлари учун саройлар қурдириб, унинг атрофини боғлар ва сув ҳавзалари билан ўраганлар.*** Хоразмдаги Хоразмшоҳлар қароргоҳи бўлмиш Тупроққалъанинг (I—III асрлар) деворларига ишланган рангли суратларда этакларига (ёки меваларни теришга мослаштирилган махсус кийим) узум ва шафтоли тераётган хотин-қизлар, уларнинг тепасида эса узум гужумлари, шунингдек, новдалардан тўқилган шийпонча акс эттирилганини кўрамиз.**** Суғдиёна ерларида ҳам VII—VIII асрларда боғдорчилик ривожланган. Муғ тоғидан топилган ёзма ҳужжатларда***** бу ҳақда маълумот бор.

X аср тарихчиси Наршахийнинг ёзишича, Бухоро шаҳрида чиройли чорбоғлар бўлиб, унда экилган сада-қайроғочлар шундай чодир шаклини олган эдики, сарҳовуз атрофига шарқ томондан ҳам, ғарб томондан ҳам заррача қуёш тушмас эди. Бу чорбоғларда нашвати, бодом, ёнғоқ, гилос, жилон жийда ва анбар бўйли жаннат мевалари ўтказилган эди.*****

Амир Темур даврига келганда, боғдорчилик санъати янада такомиллашди. Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб танлаганидан сўнг кенг миқёсда қурилиш ишларини олиб бориб, шаҳар атрофларида ажойиб қишлоқлар ва боғлар барпо эттирди.

* Большая советская энциклопедия. Том 37. с. 53.

** Гайдукевич В. Ф. К истории древнего земледелия в Средней Азии. // Вестник древней истории. 1948, № 3, 195-бет.

*** Всеобщая история архитектуры. Том VIII. М., 1970, с. 353.

**** Заславская Ф. А. Богиня плодородия в коропластике Афрасиаба Кушанского времени. История материальной культуры Узбекистана. // Вып. 1. Ташкент, 1959, с. 46.

***** Согдийские документы с горы Муғ. Вып. II, М., 1962, 184—185 бет; вып. III, М., 1963, с. 97.

***** Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966, 31-бет.

1403 йили Самарқандга Испаниядан элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихо шаҳарнинг кўркам-лигидан ҳайратда қолган. У шаҳар боғлар ва узум-зорлар билан ўралганини, шаҳар ташқарисида жойлашган боғларда кўпдан-кўп уйлар, шоҳнинг саройлари, омборлари бўлганлигини, шаҳарга кириб борганда, гўё шаҳар баланд дарахтлар билан қопланган ўрмон ўртасида тургандай таассурот қолдирганини ёзади.*

Ҳақиқатдан ҳам, Амир Темур даврида Самарқанд Шарқнинг гўзал шаҳарларидан ҳисобланган. Самарқанд дунёда биринчи ўринда туриши керак деган ниятни кўнгилларига тугиб қўйган Соҳибқирон Самарқанд атрофидаги қишлоқларни дунёдаги донгдор шаҳарларнинг (Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз каби) номлари билан аташга буйруқ берган. Шунингдек, шаҳар теварагида Боғи Нақшижаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи амирзода Шохрух, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Давлатобод, Боғи Бўлди, Боғи Майдон, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи Жаҳоннумо, Боғи Нав деб аталмиш 12 чорбоғ қурдирган. Темур боғлари тилларда дoston бўлган. Боғ учун ер танлашда ўша ернинг баҳаволигига, баланд-пастилигига, сув манбаининг оз-кўплигига ва табиатнинг хусусиятларига алоҳида аҳамият берилган.

Бу боғларни яратишда замонасининг қўли гул усталари қатнашдилар. Бу усталар, шубҳасиз, ҳар томонлама меъморчилик соҳасидаги аниқ билимга эга эдилар; ҳисоблаш ишлари, деҳқончилик, фантехника, эстетика каби илмлардан яхши хабардор бўлганлар. Лекин барча қурилиш ишлари Мовароуннаҳр шароити талабларидан келиб чиққан ҳамда маҳаллий аҳолининг қадимий анъаналаридан кенг фойдаланилган ҳолда олиб борилган.

Бу боғ — саройлар зўр санъат билан барпо қилинган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу ерларда асосан кўнгил очиш, чет эллик меҳмонларни қабул қилиш, тўй-томошалар, халқ

* Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарқанд в 1403—1406 гг. Спб., 1881, с. 325.

сайллари каби маросимлар ўтказилган. Ҳеч шубҳа йўқки, жуда қадимий ҳисобланган халқ байрамларидан — Наврўз кунлари шу оромбахш масканда ўтказилган.

Гарчи бу оромгоҳларни барпо этишдан мақсад маданий ҳордиқ чиқариш бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши у ерда мудофаа чоралари ҳам кўриб қўйилган. Теварак-атроф нотинч пайтларда яратилган боғлар зарурат туғилганда ҳарбий лагерь, жанг майдони, мустаҳкам қилиб қурилган саройлар эса мудофаа истехкомларига айлантирилиши кўзда тутилган. Боғлар майдонининг ниҳоятда кенглиги, уларнинг баланд девор билан ўралганлиги, саройлари атрофлари сув тўлғазилган хандақ (кенглиги 20—25 метргача) билан ўралган баланд тепаликлар устига қурилганлиги ва саройларнинг 2—3 қаватлилиги сўзимизга далилдир.

Самарқанд боғлари икки хил усулда, яъни геометрик шаклдан ташкил топган тартибли (инсон ўзи истаган тўртбурчак, тўғри тўртбурчак каби шакллардан яратилган чорбоғлар) ва табиат манзаралари асосида ташкил топган (табиий манзарага баъзи бир тузатишлар киритилган ҳолда яратилган) боғлардан иборат бўлган*.

Боғларнинг ҳақиқий боғ бўлиши, гуркираб яшнаши учун сув масаласи тўғри ҳал қилиниши лозим. Чунки боғларнинг қон томирлари бўлмиш каналлар, ариқлар боғларни сув билан таъминлаши керак. Лекин улар ҳақида биз оз маълумотга эгамиз. Боғлар асосан Зарафшон (Кўҳак) дарёси, шунингдек, қадимда (милоддан аввалги V—IV асрлар) қазилган Дарғом ариғидан суғорилган.

Бобурнинг ёзишича, Кўҳак дарёсидан чиқарилган Дарғом канали Самарқанддан 2 километр чамаси жанубдан оқиб ўтган. Самарқанднинг боғлари, уларнинг атрофи ва баъзи бир туманликлар шу Дарғомдан сув ичган.**

* Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. Т., 1984. 91—95-бетлар.

** Заҳриддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома, Т., 1948. 63-бет.

Ушбу каналдан ташқари, Зарафшон дарёсидан казиб чиқарилган Аббос ва Қораунас ариқлари ҳам бўлган.* Ана шулардан Аббос канали Давлатобод боғини суғорганлиги текширишлар орқали аниқланган.** Шунингдек, Клавихо ҳам ўзи кўрган барча боғлар олдида кенг майдонлар бўлганлигини ва улардан кўп каналлар оқиб ўтганлигини ёзади***.

Каналлардан ташқари, номлари ҳозирги кунларгача сақланган кўплаб ариқлар мавжуд. Асосий ариқлардан бири Обираҳматдир, Абу Тоҳирхўжанинг ёзишича, Самарқанднинг шимолдаги боғлардан Боғи Баланд, Боғи Майдонни ва Боғи Нақшижаҳонни суғорган.**** Баъзи ариқларнинг боғлари номи билан (Боғи Шамол, Боғи Баланд каби) аталиши ҳам бежиз эмас, абатта.

Боғлардан оқиб ўтган канал ва ариқ сувларидан ташқари, сунъий равишда бунёд этилган шаршаралар мавж уриб турган. Улар ариқлар устига ишланган чархпалаклардан шовуллаб тушаётган сувлар каби ўзларининг майда заррачаларини теварак-атрофга пуркаш билан биргаликда сеҳрли шовқинлари билан боғларни жонлантириб турганлар.

Боғларда оқар сувлардан ташқари, маълум бир тартибда жойлашган бир нечтадан ҳовузлар ҳам бўлган. Масалан, Клавихонинг маълумотича, Давлатобод боғида олтига ҳовуз бўлган ва улар бир-бири билан икки четига ҳар хил дарахтлар ўтказилган йўллар билан боғланган экан.*****

Боғлар тўртбурчак ва тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, катта-кичиклиги турлича бўлган (25x25, 32x32, 28x69 м). Ота-боболаримизнинг маълумотларига кўра, муслмончилик қоидаларига кўра ҳовузларнинг эни ҳам, бўйи ҳам камида 40 газ қилиб қурилган, акс ҳолда, ундаги сув ҳаром деб ҳисобланган. Сўзсиз, бошқа боғларда ҳам кўплаб ҳовуз-

* История Самарканда. Том 1, Т., 1969, с. 284.

** Сухаров И.А. Сад-дворец Тимура Давлят-Абад. Труды УзГУ. Новая серия, № 14. История: вып. 2, 1940. с. 5.

*** Клавихо. Дневник путешествия..., с. 264.

**** История Самарканда, том 1, с. 284—285.

***** Клавихо. Дневник путешествия... с. 244.

лар бўлган ва уларнинг четларига мрамртош тахта-лари ётқизилган.

Шундай қилиб, боғларнинг ҳар бирида бир нечтадан ҳовузлири бўлган бўлса, уларнинг боғдорчилик санъатидаги тутган ўрни нимадан иборат бўлган деган савол туғилиши мумкин.

Ота-боболаримиз қадимдан ҳовузлири боғ ҳуснига ҳусн қўшиб, файз киритиши ҳамда оромбахш ҳусусиятини ҳисобга олишган. Айниқса, уларда сузиб юрган ўрдак ва ғозлар боғ манзарасига ҳусн қўшган. Булардан ташқари, бу ҳовузлири доимо сув билан тўла бўлган ва сув танқислиги рўй берган вақтларда боғ учун кичик сув омборлари вазифасини ўтаган. Шунингдек, ҳовузлири каби боғдаги сарой атрофини ўраган ҳандақлар ҳам доимо сув билан тўла бўлган. Улар ҳам ҳовузлири сингари боғ ҳуснига ҳусн қўшган, ҳавони тозалаган — микроклимат яратган ва зарур ҳолларда мудофаа вазифасини ўтаган.

Боғлардаги фавворалар ҳам ниҳоятда дид билан ишланган. Уларнинг кўриниши қандай бўлганлигини бизгача кўплаб етиб келган миниатюра асарларидан тасаввур қилиш мумкин. Масалан, Дилкушо боғида бўлган Клавиҳо кўйидагиларни ёзади: «...подшо маҳсус кўйилган баланд ўриндиқда ўлтирар ва унинг олдида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, фонтанда қизил олмалар қалқиб турарди...».* Ҳақиқатан ҳам Дилкушодаги сарой харобаларида ўтказилган археологик қазув ишларида ундаги фонтанларнинг ўрни аниқланди. Саройга асосий эшикдан кирилганда, бир чизиқ бўйлаб жойлашган учта салобатли (заллар) бўлиб, уларнинг ўрталарида биттадан фонтан бўлган. Улар бир-бирлари билан ариқ орқали туташган. Фонтанлар тўртбурчак шаклида, ўртасидаги (5x5 м) икки чеккасидагига (4x4 м) нисбатан каттароқ бўлган. Савол туғилиши мумкин. Бу фонтанлар сув билан қай тарзда таъминланган? Ривоятларда айтилишича, Шаҳрисабздаги Оқсаройнинг томида катта бир ҳовуз бўлиб, бу ҳовузга сув

* * Клавиҳо. Дневник путешествия...: с. 249.

махсус тарновлар орқали Тахти қорача довонидан келар экан. Кейин пастга сунъий шаршара ҳолатида тушар экан.* Бу ривоятда, эҳтимол, бир оз бўлса-да ҳақиқат бордир. Дилкушодаги археологик қазилмалар натижасида аниқланган фавворалар билан бир чизиқда жойлашган «Т» ҳарфини эслатувчи иншоотнинг деворлари ўрни аниқланди. Фикримизча, бу иншоотларни сув билан таъминлаган.

Бу ерда баланд иншоот тепасида ҳовуз жойлашган бўлиб, унга сув махсус мослама (кўтаргич) ёрдамида чиқарилган. Ҳовузда тўпланган сув махсус сопол қувурлар орқали босим билан фаввораларга узатилган (оғзини кенлиги 19 см. бўлган сопол қувурларнинг синиқлари қазилмаларда топилган). Фавворалардан отилиб тушган сув эса ариқлар орқали ташқарига чиқиб кетган. Сувлар ҳам сарой ҳавосини мусаффолаштириб турган.

Боғ тўғрисида гап кетганда, албатта, кўз ўнгимизга турли-туман мевали, манзарали дарахтлар ва гуллар келади. Соҳибқирон Амир Темур ташаббуси билан яратилган Самарқанддаги боғларда меҳмон бўлган Клавихо, уларда мевали дарахтлар кўплигини, шунингдек, алоҳида узумзор майдонлари бўлганлигини... нонушта вақтида дастурхонга қовун, узум, шафтоли ва бошқа мевалар қўйилганлигини ёзади.** Археологик қазилмалар вақтида эса жуда кўплаб шафтоли данаги топилган.

XV аср тарихчиси Шарафиддин Али Яздий ҳам ўз асарида Дилкушо боғида жуда кўп, хилма-хил мевалар етиштирилганлиги тўғрисида ёзиб, улардан энг яхши навларининг номларини эслатиб ўтган. Булар жумласига олма (себи сурх, гулоби, абади ашқувона, қамзак), ўрик (арусак, маъмури), шафтоли (хоссаи донаширин), олхўри (оли сурх), тут (тути бедона), анор (анори хуққа), нок (мунақид, шарбати, наботи), писта (пистаи даҳанбоз) каби мевали дарахт-

* *Массон М. Е., Пугаченкова Г. А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбеке. Труды САГУ, вып. 61, Гуманитарные науки. Кн. 6. Археология Средней Азии. 1953. С. 45.*

** *Клавихо. Дневник путешествия..., с. 248—249, 252.*

лар киради. Шунингдек, Яздий шу боғда узумнинг шакарангур, соҳиби, ҳусайни, лаъли яқдона каби навлари бўлганини эслатади.*

Ёзма манбаларда келтирилган далилларга қараганда, бу даврларда фақат Самарқандда эмас, балки Бухоро, Хўжанд, Тошкент каби шаҳарларда ҳам мевали дарахтлар кўп ўстирилган. Ҳирот ерларида узумнинг юз хили етиштирилганлиги маълум.**

Боғларда мевали дарахтлардан ташқари яна соясалқин берувчи, хушбўй ҳид тарқатувчи дарахтлардан тол, терак, чинор, сарв, аръар кабилар бўлган. Айниқса, ҳовузлар бўйидаги мажнунтоллар гўзаллик бахш этган. Қарияларнинг кўп йиллик тажрибаларидан маълум бўлишича, бу дарахтларнинг киши соғлиғига фойдаси жуда катта экан. Самарқанд боғларидан бири Боғи Чинор деб аталишининг ўзиёқ у ерда чинор дарахтлари кўплигидан далолат беради.

Боғларда ҳар хил гуллар ва кўкатлар учун алоҳида жой ажратилган. Уларда ҳамиша баҳор, савсани расмий, ханжарий, кўк бинафша, садбарг, зарафшон, наргиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардари кокилий, саройи, савсаннинг бир неча турлари, оддий шақойиқ, оқ ёсуман, сариқ арғун, сариқ бинафша, лолайи дутабақа шаббўй, сариқ лола, насрин, бағдодий, қазқо, гули раъно, кўкнор гул, сариқ ёсуман, гули шашмоҳа, нилуфар, қаранфулгул, хатмий, шаб бадўстон, чаманарфуз, гултожихўроз кабилар маълум.*** Гуллардан ташқари беда каби ҳар хил кўкатлар ҳам ўстирилган.

Умуман олганда, XIV—XV асрларда бунёд этилган боғлар афсонавий Эрам боғларига тенглаша олган. Бунга ҳукмдорнинг боғдорчилик ишларига ниҳоятда қизиққанлиги ҳам сабаб бўлган. Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Темур пайванд солишга ниҳоятда қизиқар экан.

* Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т. П. Техрон, 1950. 114—115 бетлар.

** Петрушевский И. П. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII—XIV вв., М.-Л., 1960, 225-бет.

*** Герман Вамбери. История Бухары или Трансоксании, Т. 1. Спб., 1873. С. 231.

Боғларда сайр қилиб юрган охулар, тустовуқлар, ҳовуз сувларида сузиб юрган ўрдак ва ғозлар, балиқлар боғни жонлантирган. Улар ов қилиш учун эмас, балки безак сифатида сақланган. Ҳатто Боғи Беҳиштда ҳайвонот боғи бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор.*

Боғларни безашда ундаги чодирлар, шийпончалар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Бу боғларнинг бир нечасини кўрган Клавихо уларда ипақдан ва бошқа матолардан тикилган кўплаб чодирлар, ҳар хил рангли гиламлардан ишланган шийпончаларни кўрганлигини ёзади.**

Биз бу чодирлар, шийпончалар қандай кўринишда бўлганлигини ёзма манбаларда берилган тарифлар, миниатюра асарларида ишланган расмлардан биламиз.

Масалан, ёзма манбаларда Самарқанддаги Конибил мавзеида ўтказилган байрам ва йиғилишлар даврида тикилган чодирлар ҳақида маълумотлар бор. Бу ерда тикилган чодирлар шунчалик кўп ва ранг-баранг бўлганки, шамол турган кезлари узоқдан гўё шамолда тебранаётган лолазорни эслатган... Уларнинг баъзилари ниҳоятда катта ва тўртбурчак шаклда бўлиб, кенглиги юз қадамдан, баландлиги эса найза бўйича бўлган. Эшиклари ҳам катта бўлиб, ичига бемалол отда кириш мумкин бўлган.***

Хуллас, агар биз боғдаги жонли ва жонсиз нарсаларга эътибор берар эканмиз, улар бир-бири билан узвий боғланганлигини кўраемиз. Боғларни бунёд қилган усталар ҳар бирини керак деб топиб, уларни боғ жисмига мос келадиган ерларгагина жойлаштира олганлар. Шунингдек, боғ марказидан ўрин олган саройлар ҳам бир-биридан кўркам бўлиб, бири иккинчисини такрорламаган. Уларни тархини хочсимон шаклда бўлиши хоналар салқин ҳаво, шунингдек,

* Норкулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Т., 1970. 53—54-бетлар.

** Клавихо. Дневник путешествия..., с. 245, 256, 257, 264.

*** Герман Вамбери. История Бухары..., с. 224—225.

ёруғлик билан таъминланишида асосий ўрин тутган. Айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида боғдаги дарахт ва гулларнинг ёқимли ҳиди хоналар ичида анқиб турган.

Бу боғ — саройларга разм солган киши бу ерда иккита мустақил санъатни (боғдорчилик ва меъморчилик) бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кўриши мумкин.

Улуғворлиги билан ўз кўркини олам узра кўз-кўз қилган, эндиликда эса халқлар хотирасида фақатгина номларигина сақланиб қолган бу ёдгорликлар табиатни ва Ватанни севган, қадрлаган, ардоқлаган, софлигини ўйлаган ота-боболаримиз қилган савобли, ибратли ишлардан намунадир.

Амир Темури даврида яратилган боғлар халқнинг фаровонлиги, табиатнинг софлиги учун хизмат қилган, яъни ундан халқ ҳар томонлама баҳра олган, маданий ҳордиқ чиқарган, турли-туман мевалардан баҳраманд бўлишган.

Н.МУҲАММАДХЎЖАЕВА

(Темурийлар тарихи Давлат музейи илмий ходими)

БОҒИ ДИЛКУШО ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАЪЛУМОТЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Темурийлар даври ёзма манбаларида қайд этилган маълумотларга кўра Самарқанд шаҳри теваарагида бунёд этилган боғлар ўн иккита бўлган: Боғи Нақшижаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Бўлду, Боғи Дилкушо, Боғи Зоғон, Боғи Давлатобод, Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Жаҳоннумо.

Мазкур мақолада Темурийлар давридаги ободончиликка мисол тариқасида энг гўзал ва мухташам боғлардан бири Боғи Дилкушо тарихига оид маълумотларга тўхталиб ўтамиз.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» китобида куйидагиларни ўқиймиз: «Боғнинг ўртасида кўшк ва подшоҳона бир сарой бунёд этдилар. Шундай бир саройки, боши осмонга, пойдевори ер марказига етади. (Соҳибқирон) уни Хизрхожа ўғлон қизи Тўкал хоним номига номзод қилди.* Тарихчи Шарафиддин Али Яздий эса «Зафарнома» асарида Боғи Дилкушонинг қурилган вақтини аниқ кўрсатиб шундай ёзади: «Ҳижрий 799 (милодий 1396) йилнинг эрта кузида ҳазрат Соҳибқирон Кониғил ўтлоғининг чеккасида орасталиғи ва таровати билан Эрам боғларидан кўра кўпроқ кўнғил очувчи, жаннат бўстонида зиёдроқ дилни шод этувчи бир боғ яратиш ҳақида фармон берди... Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, безавол иқбол тили унинг исми жисмига монанд бўлсин учун «Боғи Дилкушо» деб атади. Боғнинг ўртасида учта баланд тоқли, куббаси эса кўкка бўй чўзган бир қаср қурдилар...»** Испания қиролининг Амир Темур ҳузурига йўллаган элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз «Кундалиғи»да: «Самарқанд ташқарисидаги Боғи Дилкушога келиб тушдилар. Бу манзил шаҳар атрофидаги энг катта ва гўзал боғ эди, олтин ҳамда зангори кошинлар билан зеб берилган жуда кенг ва баланд дарвозасидан боққа кирилади. Дарвоза олдида найзалар билан қуролланган посбонлар турар эдилар»*** деб эслайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу боғ ҳақида: «Темурбек Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасига ҳақида хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар**** деб маълумот беради «Бобурнома»да. Таниқли венгер шарқшунос олими Херман

* Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996 йил. 223-бет.

** Темурийлар бунёдкорлиғи давр манбаларида. Тўплам, Т., 1997 йил. 91, 92-бетлар.

*** Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т., 1996 йил. 61-бет.

**** Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989 йил, 44-бет.

Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннахр» асарида: «Шарқ томонда Дилкушо саройи бор, шаҳарга қараган эшигига Дарвозаи Фируза деб ҳал билан жуда чиройли китоба қилинган. Бу саройнинг кенг, катта осмон ва юлдузли кошлар билан безатилган пештоқи узоқдан ялтираб турар эди. Саройнинг ташқи ҳовлисида ҳоқон саройлари бор; бунда қуролланган аскарлар турадилар, ички ҳовлида эса, туғлар билан безатилган олтита фил сафи зиёратчиларни ҳайратга соларди».* Кўриниб турибдики, ёзма манбаларда Боғи Дилкушо ҳақида маълумотлар бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисига аниқлик киритади ва уларни йиғиб қиёслаб қаралса, ана шу боғ ҳақида анча тафсилотлар олиш мумкин.

Боғи Дилкушо тарихига оид кўпгина илмий тадқиқотлар ҳам мавжуд. Бу тадқиқотларни биз Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонаси ҳамда Алишер Навоий номли Оммавий кутубхона картотекаларидан, Темурийлар даври тарихига бағишлаб тузилган библиографик тўпламлардан ва адабиётлардан йиғиб тартибга солдик. Уларни шартли равишда хронологик жиҳатдан тўрт даврга бўлиш мумкин.

XIX аср иккинчи ярмидан то 1917 йил инқилобига;
гача;

1917—1950 йиллар;

1950—1991 йиллар;

1991 йилдан кейин, яъни мустақиллик даврида ёзилган ишлар.

Тадқиқотлар ичида турли мақолалар, рисоалар ҳамда анчагина жиддий асарлар ҳам бор. Боғи Дилкушо ҳақида ёзилган мақолалардан дастлабкиси 1893 йилга тўғри келади. Мазкур тадқиқотларда Боғи Дилкушонинг номи Самарқандда Амир Темур қурдирган боғлар қаторида тилга олинган ва унинг

* *Вамбери Херман*. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т., 1990 йил, 54-бет.

географик ўрни ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Боғнинг ўрнини белгилашда ёзма манбалар билан бир қаторда ер-мулк ҳужжатларидаги хабарлар ҳам эътиборга олинган. Айрим тадқиқотларда Самарқанд боғларини карта-схемаси ҳам илова қилинган.

Кейинги йилларда Боғи Дилкушо тарихини ўрганиш янада такомиллашиб борди. 1969 йили Самарқандда ЮНЕСКОнинг Халқаро илмий анжумани бўлди. Бунда асосий эътибор Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганишга қаратилди ва шу муносабат билан бир неча китоблар чоп этилди. Жумладан, Н.Норқулов ва И.Низомиддинов «Миниатюралар тарихидан лавҳалар» китобида Боғи Дилкушо саройи меъморчилик безаклари ҳамда девордаги расм ва миниатюраларни чизган мусаввир, наққошлар ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари Боғи Дилкушо «Самарқанд тарихи» (1971), Б.Аҳмедовнинг «История Балха» (1982) каби китобларида ҳам эслатиб ўтилган.

Ў.Алимов «Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи» (1984) монографиясида XIV—XV асрга оид боғ саройларни археологик нуқтаи назардан ўрганиб, қазишмалар натижасида тўпланган маълумотларни тарихий манбалар асосида атрофлича таҳлил қилган. Меъморий санъатнинг энг гўзал ва ноёб намуналари бўлган Боғи Дилкушонини 1967—1968 йиллар мобайнида ўзи олиб борган археологик қазишмалар натижасида ўрнини аниқлаб, шу жойдан топилган ашёларни тарихий фактлар асосида баён қилиб берган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат бўлганлиги шарофати билан Темурийлар даври тарихи батафсил ўрганила бошлади ва илмий-тарихий тадқиқот ишлари кўпайди. Жумладан, «Ўзбегим» (1992), «Сомон йўли» (1992), А.Муҳаммаджоновнинг «Темур ва темурийлар салтанати» (1994), Хилда Хукхэмнинг «Властитель семи созвездий» (1995), Хуршид Давроннинг «Соҳибқирон набираси» (1995) каби бадиий ва илмий китобларида Боғи Дилкушо ва унинг тарихига оид маълумотлар берилган. 1996

йили ЮНЕСКО қарори билан Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам кенг миқёсда нишонланди. Шу муносабат билан Темурийлар даврига оид китоблар ўзбек тилида ва европа тилларида ҳам нашр қилинди. Жумладан, «Амир Темур жаҳон тарихида» (1996), Б.Аҳмедов — «Соҳибқирон Темур», Г.А.Пугаченкова — «Темурнинг меъморий мероси», П.Зоҳидов — «Темур даврининг меъморий Каҳкашони» каби китобларда Темурийлар салтанатида барпо этилган боғлар ҳамда Боғи Дилкушо тарихига оид маълумотлар ўрин олган.

Ҳозирги кунда бир қанча манбашунос олимлар Темурийлар даври хусусидаги манбаларни таржима қилдилар ва уларда Боғи Дилкушо ҳақида ёзилган сатрлар ҳам бор. Ибн Арабшоҳ — «Ажойиб алмақдур фи тарихи Таймур» (1992), Шарафиддин Али Яздий — «Зафарнома» (1994), Низомиддин Шомий — «Зафарнома» (1996), «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида» (1996), «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида» (1997), Омонullo Бўриев — «Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё» (1997) китоблари ана шулар жумласидандир.

Хуллас, мавжуд ёзма маълумотлар ва тадқиқотлар таҳлили Боғи Дилкушо Темурийлар даврининг муҳим ёдгорлиги эканидан далолат беради. Унинг мисолида Соҳибқирон барпо этган боғлар нафақат Ўзбекистон тарихида сайлгоҳ-боғдорчилик маданияти, балки ўша боғларда акс этган ажойиб меъморлик санъати мажмуаси мавжудлигини кўриш мумкин.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Аҳмедов Б. Амир Темур ва инсон манфаатлари муҳофазаси	5
Умирзоқов Б. Инсон манфаатлари йўлида	8
Алимова Р. Амир Темур ва маънавий қадриятлар	13
Норматов К. Буюк инсонга халқ эҳтироми	18
Уватов У. Араб олимнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги йирик тадқиқоти	22
Жузжоний А. Адолатга таянган тузум	26
Юсупова Д. Амир Темур салтанати давлат тузилиши масаласига доир	29
Бобожонова Д. Соҳибқирон Амир Темур жаҳон олимлари нигоҳида	33
Файзиев Т. Соҳибқирон Амир Темурнинг 1399 йили Султонияга бо- ришининг сабаблари	40
Отақўзиева С. Амир Темур даврида давлат бошқарувида аёллар ўрни	44
Алимов Ў. Амир Темур даврида боғдорчилик	48
Муҳаммадхўжаева Н. Боғи Дилкушо тарихига оид ёзма маълумотлар ва тадқиқотлар	57

АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ

Маърузалар тўплами

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Мухаррир: *Б.Эшпўлатов*
Мусаввир: *Т.Гришина*
Бадий муҳаррир: *Ф.Башарова*
Техникавий муҳаррир: *Л.Хижова*
Мусахҳихлар: *Ж.Тоирова, Ю.Бизаатова*

Теришга 22.09.98 да берилди. Чоп этишга 20.10.98 да рухсат берилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. «Прагматика» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 3,36. Нашриёт-ҳисоб табоғи 2,68. Адади 2.000 нусха. Буюртма № 2963. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

Амир Темур сабоқлари: «Амир Темур ва инсон манфаатлари» мавзуида ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари (Тошкент, 1997 йил) // Таҳрир ҳайъати: Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев, Н.Ҳабибуллаев/. — Т.: «Шарқ», 1998. 64 б.

Сарл. олдида: Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси.